БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 104 (335)

27 МАЙ ЖУМА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Олий Совети Президиумида (1-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (1-нчи бет).

Ўртоқ Хо Ши Миннинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ворошиловга, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига телеграммалари (1-нчи бет).

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош министрининг Ўринбосари ва Мудофаа министри Пин Дэ-хуай СССРда (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **М. Ғуломов.** — Саноат корхоналарида партия группаларининг ролини оширайлик (2-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумида (2-нчи бет).

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофотлари белгиловчи комитетда. Немис ёзувчиси Бертольд Брехтга халқаро Сталин мукофоти топширилди (2-нчи бет).

И. Портянкин. — Большевистик «Пролетарий» газетаси (2-нчи бет).

Барча куч ва техникани дала ишларининг сур'атини ошириш ва сифатини яхшилашга сафарбар этайлик! Эргаш Дониёров. — Қувончли натижалар. **Босит Халилов.** — Сояпар раис ва ўт босган ғўзалар (3-нчи бет).

Югослав ва совет ўқитучиларининг учрашуви (4-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумида

25 майда, Кремльда, **К. Е. Ворошилов** раислиги остида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи ишлар Министри В. М. Молотов, Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг Раиси М. А. Суслов ҳозир бўлдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1955 йил 14 майда Варшавада имзоланган Шартномани ратификация қилиш ҳақида СССР Министрлар Совети томонидан қилинган тақдимни кўриб чиқди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Шартнома тўғрисида СССР Олий Совети Президиуми мажлисида доклад қилди. Докладчи айтдики, Ғарбий Европа мамлакатларининг парламентлари ўз халқларининг иродасига ва миллий манфаатларига хилоф равишда АҚШ ва Англиянинг таз'йиқи остида Париж битимларини ратификация қилганликлари Европадаги вазиятни жуда ўзгартириб юборди. Шу ҳа,бий битимларнинг ратификация қилинганлиги натижасида Европада янги ҳарбий хавф ўчоғи бўлган герман милитаризмининг тикланиш хавфи пайдо бўлди. Герман милитаризми кадр армияни вужудга келтиришга яна киришиш имкониятини олди. Шимолий Атлантик иттифоқи Кенгашининг атом урушига тайёрланиш тўғрисида ўтган йил декабрь ойида қабул қилган қарорига биноан, АҚШ, Англия ва Франция ёрдами блан тикланаётган герман вермахти янги қирғин қуролларининг ҳамма турлари блан, шу жумладан, атом, водород ва бактериология қуроллари блан қуроллантирилади. Ҳарбийлаштирилаётган Ғарбий Германиянинг Шимолий Атлантик иттифоқига қўшиб олинганлиги Совет Иттифоқига ва халқ демократияси мамлакатларига қарши қаратилган мана шу ҳарбий блокнинг агрессив характерини кучайтиради.

Германия милитаризми тикланаётганлиги блан бир вақтда жаҳоннинг бошқа районларида ҳам агрессив кучлар активлашмоқда. Буни Шимолий Атлантик иттифоқига қўшимча қилиб Яқин ва Ўрта Шарқда ҳарбий блоклар тузиш йўлида қилинаётган уринишлар кўрсатиб турибди. Сурияга, Мисрга ва бошқа араб мамлакатларига таз'йиқ қилинмоқда. Биз блан чегарадош бўлган Эронга ва Афғонистонга ҳам катта таз'йиқ ўтказилмоқда.

Узоқ Шарқдаги Тайвань районида аҳвол ҳали ҳам кескинлашган ҳолда қолиб келмоқда, бу районда чанкайшичилар Америка Қўшма Штатлари ҳукумати томонидан бевосита қувватланаётган ҳолда ўзларининг провокацияларини давом этдирмоқдалар. Ма'лумки, Ғарбнинг мустамлакачи давлатлари Шарқи-Жанубий Осиёда ҳарбий блок тузиб, Осиёдаги ўзларига қарам бўлган ба'зи давлатларни шу блокка киритдилар.

Варшава кенгашининг қатнашчилари рўй берган халқаро аҳволни ва Париж битимлари ратификация қилинганлиги натижасида вужудга келган шароитни анализ қилиб, — деди Н. А. Булганин, — ўз халқларининг хавфсизлигини гарантияламоқ, уларнинг тинч меҳнатини ҳимоя қилмоқ ва Европада агрессорнинг йўлини тўсмоқ учун амалий чоралар кўриш зарур деган хулосага келмасликлари мумкин эмас эди. Шу мақсад блан Варшава кенгашида қатнашган давлатлар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 14 майда Шартнома имзоладилар.

Н. А. Булганин бу Шартноманинг аҳамиятини та'кидлаб айтдики, Варшава Шартномаси социалистик лагерь мамлакатларининг хавфсизлигини та'минламоқ, уларнинг жанговарлик қобилиятини мустаҳкамламоқ ва агрессив қучларга зарба беришларини ташкил этмоқ учун мустаҳкам негиз вужудга келтиради.

Шартнома шуни кўзда тутадики, Шартнома қатнашчиси бўлган бирор давлатга қуролли ҳужум бўлган тақдирда, Шартноманинг бошқа ҳамма қатнашчилари ҳужумга учраган давлатга дарҳол якка тартибда ва Шартнома қатнашчилари бўлган бошқа давлатлар блан келишиб, зарур бўлган воситаларнинг ҳаммаси блан, шу жумладан қуролли кучларни қўлланиш йўли блан ҳам ёрдам кўрсатадилар.

Варшава Шартномаси қатнашчилари ўз қуролли кучларининг бирлашган қўмондонлигини тузиш тўғрисида ҳам битимга келдилар, улар шу бирлашган қўмондонликка ўз қуролли кучларининг бир қисмини ажратиб берадилар.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартнома ҳамда бирлашган қўмондонлик тузиш тўғрисидаги қарор шуни кўрсатадики, социалистик лагерь давлатларини бўлиши эҳтимол тутилган агрессиядан мудофаа қилиш, шу давлатлардаги халқларнинг тинч меҳнатини, шу давлатлар территорияларининг дахлсизлигини ҳимоя қилиш иши Варшава Шартномаси тузилганлиги натижасида мустаҳкам ва ишончли базага эга бўлади.

Броқ, Варшавада имзоланган Шартноманинг аҳамияти бу блан чекланмайди, — деди Н. А. Булганин, — Шартнома, ҳеч шубҳасиз, социалистик лагерь мамлакатлари ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун ҳамда бир-бирини ўрматлаш, мустақиллик, суверенитет ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида улар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамроқ қилиб ривожлантириш учун янги кучли дастак бўлади.

Варшавада имзоланган Шартноманинг тинчликсевар ва мудофаа характеридаги Шартнома эканлигини яна шу нарса ҳам та'кидлаб кўрсатадики, агрессив шартномаларга қарама-қарши бўлган Варшава Шартномаси тинчликни ва халқлар хавфсизлигини та'миналашга кўмаклашишга ўзларининг тайёр эканликларини изҳор қилган бошқа давлатларнинг унга бемалол қўшилишлари учун очиқдир.

Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатларнинг тинчликсеварлик ниятларини та'кидловчи яна бир ёркин далил шуки, шартнома текстига бу давлатларнинг қурол-яроғларни ёпиасига камайтиришга ва атом, водород қуролларини ҳамда янги қирғин қуролларининг бошқа турларини тақиқлашга қат'иян ҳаракат қилиш ҳақида ўзлари изҳор қилган қат'ий ниятлари ёзилган.

Сўнгра Н. А. Булганин айтдики, қурол-яроғларни камайтириш, атом қуролини тақиқлаш ва янги уруш хавфини йўқотиш масалалари юзасидан Совет Ҳукуматининг Варшава кенгаши очилиши арафасида э'лон қилган янги таклифларини Варшава кенгашининг ҳамма қатнашчилари якдиллик блан қизғин равишда ма'қуллаб ва қўллаб-қувватлаб кутиб олдилар. Улар бу таклифларни халқаро кескинликни юмшатиш ва давлатлар ўртасидаги ишончсизликни йўқотиш йўлида қўйилган янги катта қадам деб табрикладилар.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Варшава Шартномаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсадларига ва принципларига тўла равишда мувофиқдир. Шартнома қатнашчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ, ўзларининг халқаро муносабатларида куч ишлатиб ҳўқ қилишга ёки куч қўлланишга йўл қўймаслик, ҳамда халқаро жанжалларни тинчлик ва халқлар хавфсизлигини таҳдид остида қолдирмайдиган қилиб тинч воситалар блан ҳал қилиш тўғрисида ўз зиммаларига мажбурият олдилар.

Н. А. Булганин тўла ҳамжиҳатлик ва бир-бирини тушуниш, қардошларча дўстлик ва яқиндан ҳамкорлик қилиш вазиятида ўтган Варшава кенгаши тўғрисида гапириб, яна шуни ҳам эслатиб ўтдики, Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва олтмиш миллионлик хитой халқи саккиз мамлакатга тўла равишда қўшилди ва Шартномани якдиллик блан ма'қулламоқда, чунки Осиёдаги тинчликни ва хавфсизликни Европадаги тинчлик ва хавфсизликдан ажратиб бўлмайди.

Н. А. Булганин провардида айтдики, СССР Министрлар Совети дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1955 йил 14 майда Варшавада имзоланган Шартномани тасдиқлади ва уни СССР Олий Совети Президиумига ратификация қилмоқ учун тақдим этади.

Сўнгра Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг Раиси М. А. Суслов Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссияларининг фикри тўғрисида ахборот берди. Варшава Шартномаси, — деди у, — тинчликсевар мамлакатлар ўртасидаги қардошларча дўстликни ва ҳамкорликни янада кўпроқ мустаҳкамлайди, ҳарбий муносабатларга ҳам жорий қилинади, шу Шартномани имзолаган давлатларнинг мудофаа қувватини оширади, тинчлик ва социализм лагерининг кучини ва позицияларини мустаҳкамлайди.

Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссиялари, — деди М. А. Суслов, — Шартномани ма'қулладилар ва уни СССР Олий Совети Президиумига ратификация қилмоқ учун тавсия этадилар.

Варшава Шартномасини ратификация қилиш масаласини муҳокама қилишда СССР Олий Совети Президиумининг а'золари қатнашдилар.

— Варшавада қабул қилинган қарорлар, — деди СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси И. В. Капитонов, — давлатлар ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқли бўлиб ҳамкорлик қилиш, бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олиш асосига қурилиши мумкин ва лозим эканлигини кўрсатучи ёрқин далилдир. Бутун совет халқи каби Москва шаҳри ва Москва области меҳнаткашлари ҳам тузилган Шартномани катта мамнуният блан қутиб олдилар ва уни демократия ва социализм лагеридаги барча давлатларнинг хавфсизлиги ишига, янги урушнинг олдини олиш ишига қўшилган жуда катта ҳисса деб ҳисобламоқдалар.

И. В. Капитонов Европадаги саккиз давлат Шартномаси давлатимизнинг туб манфаатларига, тинчлик ва халқлар дўстлиги манфаатларига мос бўлиб тушганлигини айтиб, уни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифни қизғин равишда қўллаб-қувватлади.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари ва Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. С. Коротченко айтдики, империалистик давлатлар тузаётган агрессив блокларидан Варшава Шартномасининг фарқи шундаки, у, тинчликсевар ва мудофаа характеридаги Шартномадир. Шартномада кўзда тутилган тадбирлар ҳарбий Париж битимлари ратификация қилинганлиги сабабли герман милитаризмининг тикланиш хавфи кучайган бир вақтда, Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франциянинг ёрдами блан Ғарбий Германия Европада уруш хавфининг асосий ўчоғига айлантирилаётган ва шундай қилиб, тинчлик, демократия ва социализм мамлакатларига қарши агрессия хавфи вужудга келтирилаётган бир вақтда ўтказилмоқда.

Мана шуни назарда тутиб, — деди Д. С. Коротченко, — Варшава кенгашида қатнашган тинчликсевар давлатлар Европада вужудга келган вазиятни ҳартомонлама муҳокама қилиб, ўз хавфсизликларини та'минламоқ учун қўшимча тадбирлар кўришга қарор қилдилар. Улар ўз халқларининг тинч яратучилик меҳнатини ва улуғ ғалабаларини империалистик агрессорларнинг ҳарқандай ҳамлаларидан қат'ий равишда қўриқламоқ учун ўз кучларини бирлаштирдилар. Украин халқи Совет Иттифоқининг барча халқлари блан бирликда Варшава Шартномасини қизғин равишда ма'қуллайди ва уни ратификация қилиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг қарорини мамнуният блан қутиб олади.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари ва Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. М. Озолинь дейди, Варшава Шартномаси коллектив хавфсизлик Шартномасидир, тинчликни та'минлайдиган Шартномадир.

Мен шуни айтиб ўтишим лозимки, — деди К. М. Озолинь, — латиш халқи Европадаги саккиз давлат ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартномани чин кўнгилдан табриклайди. Латиш халқи кейинги 30 йил давомида герман босқинчиларининг ҳужумига уч марта учради ва шу сабабли герман милитаризмининг тикланишига индамай қараб туролмайди.

К. М. Озолинь ўз нутқини қуйидаги сўзлар блан тугатди:

— Тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб, мен Европадаги саккиз давлат ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартномани ратификация қилишни ёклаб овоз бераман.

СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Ф. Р. Козловга сўз берилди. У, айтдики, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик сиёсатига содиқ бўлган Совет Иттифоқи халқаро майдондаги кучларнинг реал нисбатини ҳисобга олиб, ҳамкорлик қилишнинг капиталистик мамлакатларга тинчликни ва халқларнинг хавфсизлигини та'минлайдиган ва ўзаро ма'қул бўладиган кенг программасини таклиф қилмоқда. Буни Совет давлатининг кўпгина таклифлари ва ишлари ва, жумладан Варшавада имзоланган Шартноманинг барча бошқа давлатларнинг улардаги ижтимоий ва давлат тузумларидан қат'и назар қўшилишлари учун очиқ эканлиги аққол кўрсатиб турибди.

Тинчликсевар бошқа халқларнинг ҳаммаси каби совет халқи ҳам, — деб уқтириб гапирди Ф. Р. Козлов, — саккиз давлатнинг дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Варшавада тузган Шартномасини, шунингдек қуролли кучларнинг бирлашган қўмондонлигини тузиш тўғрисидаги қарорни жуда катта мамнуният блан қутиб олди. Биз тарихий Варшава Кенгашининг қарорини шунинг учун ҳам қизғин равишда ма'қулламоқдамизки, эндиликда тинчликсевар давлатларнинг бирлашган қуввати империалистик агрессорларнинг кирдикорларига қарши бўлиб турибди. Бу Шартноманинг яна бир характерли белгиси шуки, у Шартномада қатнашган давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари ва Карель-Фин ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. В. Куусинен сўзга чиқиб айтдики, совет кишилари бу Шартноманинг тузилганлигини тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун Совет мамлакати ҳамда демократия ва социализм лагеридаги бошқа мамлакатлар томонидан олиб борилаётган сиёсий курашнинг изчиллигини ишботловчи муҳим ва жуда асосли акт деб ҳисобламоқдалар. СССР Олий Совети Президиумининг Шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қарори, ҳеч шубҳасиз, бутун дун'ёдаги миллион-миллион меҳнаткашлар оммаси томонидан ҳурсандлик блан қабул қилинади.

СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси А. М. Панкратова уқтириб айтдики, Варшава Шартномаси ижтимоий системалари турлича бўлган давлатларнинг тотув бўлиб яшаши тўғрисидаги ленинча қоидаларга асосланучи совет ташқи сиёсати принципларига тўла равишда мувофиқдир.

Бу Шартноманинг ҳамма моддалари, — деди А. М. Панкратова, — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти принципларига ва Уставига содиқликни та'кидлайди, уни имзолаган давлатларнинг тинчликни ва халқлар хавфсизлигини та'минлаш йўлида қилинадиган барча халқаро ҳаракатларда актив қатнашишга тайёр эканликларини аниқ кўрсатади. СССР Олий Совети Президиуми Варшава Кенгашидаги совет делегациясининг фаолиятини ма'қулламоқ ва 1955 йил 14 майда Варшавада имзоланган Шартномани ратификация қилмоқ учун ҳамма асосларга эгадир.

Музокаралар тамом бўлгандан кейин СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Варшава Шартномасини ратификация қилиш масаласини овозга қўяди.

СССР Олий Совети Президиуми Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1955 йил 14 майда Варшавада имзоланган, СССР Министрлар Совети тасдиқлаган ва Ташқи ишлар комиссиялари ма'қуллаган Шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қарорни якдиллик блан қабул қилади.

Тинчлик ва халқлар хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб

СССР Олий Совети Президиуми Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида тузилган ва СССР Министрлар Совети таслиқлаган ҳамда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссиялари ма'қуллаган Шартномани ратификация қилди.

СССР Олий Совети Президиумининг кеча бўлиб ўтган мажлисида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Шартнома тўғрисида доклад қилди. Олий Совет Президиумининг музокараларда сўзга чиққан а'золари Шартномани тинчлик, демократия ва социализм лагеридаги барча давлатларнинг хавфсизлиги ишига, янги урушнинг олдини олиш ишига қўшилган жуда муҳим ҳисса деб ҳисоблаб, уни якдиллик блан ма'қулладилар.

Совет Иттифоқи томонидан ратификация қилинган Шартнома Европадаги саккиз давлатнинг ҳаёнда Варшавада бўлиб ўтган, тўла якдиллик ва бир-бирини тушуниш, қардошларча дўстлик ва яқиндан ҳамкорлик қилиш вазиятида ўтган кенгаши натижасида тузилган эди. Варшава кенгашида қатнашган давлатлар Париж ҳарбий битимлари ратификация қилинганлиги сабабли халқаро вазиятда рўй берган ўзгаришларни ҳартомонлама кўриб чиқдилар ва ўз хавфсизликларини та'минламоқ учун ҳамда Европада тинчликни сақлаб қолиш манфаатларини кўзлаб амалий чоралар кўришга қарор қилдилар. Шу мақсад блан саккиз давлатнинг дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартномаси тузилди, шунингдек шу давлатларнинг бирлашган қўмондонлик ихтиёрига ажратиб бериладиган қуролли кучларининг бирлашган қўмондонлигини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ғарбий Европа мамлакатлари ратификация қилган Париж ҳарбий битимлари реваншист кадр немис армиясини тузиш учун, герман милитаризмини тиклаш учун йўл очиб беради. Вермахт янги қирғин қуролларининг ҳамма турлари блан, шу жумладан атом, водород ва бактериология қуроллари блан қуроллантирилади. Ғарбий Германиянинг Шимолий Атлантик блокига қўшилганлиги бу блокнинг агрессивлигини кучайтиради. Европада уруш хавфи ортмоқда, тинчликсевар давлатларнинг миллий хавфсизлиги учун таҳдид вужудга келмоқда.

Герман милитаризми тикланаётганлиги блан бир қаторда жаҳоннинг бошқа районларида агрессив кучлар активлашмоқда.

Тинч яратучилик меҳнати блан шуғулланаётган озод халқлар бундай шароитда ўз хавфсизликларини та'минлаш йўлида янги тадбирлар кўришга мажбурдирлар.

Олий Совет Президиуми томонидан ратификация қилинган Варшава Шартномасининг 4-нчи моддасида бундай дейилади: «Шартнома қатнашчилари бўлган давлатларнинг бирига ёки бирнечасига Европада бирор давлат ёки давлатлар группаси томонидан қуролли ҳужум қилинган тақдирда, Шартнома қатнашчиси бўлган ҳарқайси давлат якка тартибда ёки коллектив бўлиб ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқини амалга ошириш тартибида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 51-нчи моддасига мувофиқ, бундай ҳужумга учраган давлатга ёки давлатларга ўзи зарур топган воситаларнинг ҳаммасини, шу жумладан, қуролли кучларни ҳам қўлланиб, якка равишда ва Шартнома қатнашчилари бўлган бошқа давлатлар блан келишиб, дарҳол ёрдам кўрсатади. Шартнома қатнашчиси бўлган давлатлар халқаро тинчликни ва хавфсизликни тиклаш ва сақлаш мақсадида биргаликда кўрилиши зарур бўлган тадбирлар ҳақида дарҳол маслаҳатлашиб оладилар».

Шартнома социалистик лагерь мамлакатларининг қардошларча ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва улар ўртасидаги иқтисодий ва ҳамда маданий алоқаларни тағин ҳам кўпроқ ривожлантириш учун янги кучли дастакдир. Бу ҳамкорлик тенгҳуқуқлилик, давлат суверенитетини ҳурматлаш ва ички ишларга аралашмаслик принципларига асослангандир.

Варшава Шартномаси фақат тинчликсеварлик ва мудофаа характеридаги Шартномадир. Унинг Шимолий Атлантик пакти сингари империалистик шартномалардан туб, принципиал фарқи ҳам шундадир. Варшава Шартномасида қатнашган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ, ўзларининг халқаро муносабатларида куч ишлатиш блан ҳўқ қилишдан ёки куч қўлланишдан тийилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар, халқаро тинчликни ва хавфсизликни та'минлашни мақсад қилиб олган барча халқаро ҳаракатларда самимий ҳамкорлик руҳида қатнашишга ўзларининг тайёр эканликларини билдирган бошқа давлатларнинг Шартномага қўшилишлари учун йўлни очиқ қилиб қолдирдилар.

Шартнома қатнашчилари қурол-яроғларни ёпиасига камайтириш ҳамда атом, водород қуролларини ва янги қирғин қуролларининг бошқа турларини тақиқлаш йўлида самарали чоралар кўрилиши учун, коллектив хавфсизликнинг умумевропа системаси вужудга келтирилиши учун бундан бўён ҳам курашаверадилар. Қурол-яроғларни камайтириш, атом қуролини тақиқлаш ва янги уруш хавфини йўқотиш масалалари юзасидан Совет Иттифоқи тақдим қилган янги таклифларни Варшава кенгашининг ҳамма қатнашчилари якдиллик блан қизғин равишда ма'қуллаб ва қўллаб-қувватлаб кутиб олдилар.

Тинчлик, демократия ва социализм лагерилари мамлакатлар томонидан ўтказилаётган, Варшава Шартномасида ўз ифодасини топган тинчликсевар ташқи сиёсат социалистик система блан капиталистик системанинг тотув бўлиб яшаши мумкинлиги тўғрисидаги ленинча принципга асосланган сиёсатдир. Эркин халқларга агрессия ва босқинчилик идеологияси бутунлай ёт идеологиядир, улар ўзларининг кучларини яратучилик меҳнатига, ўз мамлакатларини яшнатиш учун курашга сарф қилмоқдалар.

Броқ, бизларга бепарволик ҳам ёт бир нарсадир: биз шуни яхши биламизки, агрессив доиралар янги уруш тайёрлаш мақсадида ўзларининг кирдикорларини кучайтирмоқдалар. Бундай шароитда социалистик лагерь халқлари, албатта, қўл қовуштириб ўтираолмайдилар ва жавоб чоралари кўрмасликлари мумкин эмас.

Бутун совет халқи Варшава Шартномасига ва қуролли кучларнинг бирлашган қўмондонлиги тузилишига Улуғ Ватанимиз — Совет Иттифоқининг хавфсизлигини, барча халқ демократияси мамлакатларининг хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган катта қадам деб баҳо берди. Тинчликсевар халқларнинг бирлашган қуввати анча ўсди. Халқларнинг тичлик учун курашдаги асосий таянчи — тинчлик, демократия ва социализмнинг улуғ лагери ўзининг халқаро позицияларини янада кўпроқ мустаҳкамлади.

Хитой Халқ Республикаси саккиз мамлакат Шартномасини қўллаб-қувватлаётганлиги жуда катта халқаро аҳамиятга эгадир. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва олтмиш миллионли қаҳрамон хитой халқи қардош саккиз мамлакат ҳукуматлари ва халқлари блан тўла равишда ҳамжиҳат бўлиб, Шартномани якдиллик блан қўллаб-қувватламоқда, чунки Осиёдаги тинчлик ва хавфсизликни Европадаги тинчлик ва хавфсизликдан ажратиб бўлмайди.

Варшава Шартномаси социалистик лагерь мамлакатларининг хавфсизлигини та'миламоқ, эркин халқларнинг тинч меҳнатини ҳимоя қилмоқ, уларнинг жанговарлик қобилиятини мустаҳкамламоқ ҳамда агрессив кучларга зарба беришни ташкил этмоқ учун бақувват ва ишончли негиз вужудга келтиради. Варшава Шартномаси социалистик лагерь мамлакатларининг халқлари томонидан, жаҳондаги барча тинчликсевар халқлар томонидан якдиллик блан ма'қулланди. Бу Шартнома Польша Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси ва Венгрия Халқ Республикаси томонидан ратификация қилиниб бўлди. Бу Шартнома бошқа халқ демократик мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан ма'қулланди.

СССР Олий Совети Президиуми саккиз мамлакат ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш блан бутун совет халқининг иродасини ифодалаб берди. Бизнинг халқимиз улуғ социалистик лагерьнинг қудратига ишонади, эркин халқларнинг мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги бу лагерьни янада кучлироқ ва қудратлироқ қилишига ишонади. Совет кишилари яна шу нарсага ҳам аминдирларки, тинчликсевар давлатларнинг хавфсизлигини та'минлаш йўлидаги янги тадбирлар барча халқларнинг ҳаётий туб манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушади. Бу тадбирлар Европада ва бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлайди.

(«ПРАВДА»нинг 26 майдаги бошмақоласи).

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош министрининг Ўринбосари ва Мудофаа министри Пин Дэ-хуай СССРда

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош министрининг Ўринбосари ва Мудофаа министри Пин Дэ-хуай Варшавадан Москвага келди. У, Европа мамлакатларининг Европада тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан ўтказилган Варшава кенгашида Хитой Халқ Республикасининг вакилчиси сифатида қатнашган эди.

СССР ҳукуматининг таклифига биноан Пин Дэ-хуай Совет ҳукуматининг меҳмони сифатида СССРда бирнеча кунга тўхтади.

23 майда Пин Дэ-хуай КПСС МК Биринчи Секретари Н. С. Хрушчев ҳузурида, шунингдек СССР Мудофаа министри Г. К. Жуков ҳузурида бўлиб, улар блан суҳбатлашди.

Пин Дэ-хуай пойтахтнинг хушманзара жойларини бориб кўрди.

Пин Дэ-хуай ва унинг ҳамроҳлари бирнеча кунга Ленинградга жўнадилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш тўғрисида

Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1955 йил 14 майда Варшавада имзоланган, СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган ҳамда СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг ва Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссиялари томонидан ма'қулланган Шартнома ратификация қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль
1955 йил 25 май.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ЎРТОҚ ВОРОШИЛОВГА

Ўртоқ Раис, менинг туғилган куним муносабати блан юборган дўстона табрикларингиз учун Сизга самимий ташаккур изҳор қиламан.

Вьетнам халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга ҳамда улуғ совет халқига коммунизм қуришда, бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилишда янги ғалабалар тилайман.

ХО ШИ МИН

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига

Менинг туғилган куним муносабати блан юборган дўстона табрикларингиз учун Сизларга самимий ташаккур изҳор қиламан.

Коммунизм қуришда, бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилиш учун курашда улуғ совет халқига раҳбарлик қилиб туриш учун Сизларга соғ-саломатлик тилайман.

Марказий Комитетнинг ҳамма а'золарига сиҳат-саломатлик тилайман.

ХО ШИ МИН

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Саноат корхоналарида партия группаларининг ролини оширайлик

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми ва СССР Олий Советининг иккинчи сессияси мамлакатда оғир саноатни тўхтовсиз ривожлантириш негизида қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, совет халқи фаровонлигини тобора оширишнинг энг муҳим вазифаларини белгилаб берди.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни бажариш саноат корхоналари ва ҳамма муассасаларнинг партия ташкилотлари ишини янада яхшилашни, улар томонидан катта ташкилий ва сиёсий ишлар олиб борилишини талаб қилади. Шунингдек, бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун партия ташкилотлари ва биринчи галда район партия комитетлари раҳбарлик ишини ҳаргомонлама такомиллаштиришлари лозим.

Шу муносабат блан Фрунзе район партия комитети кейинги вақтда саноат корхоналари ишига, корхона ва муассаса партия ташкилотлари ишига кўпроқ э'тибор бераётган эди. Биз дастлаб партияни омма блан боғловчи биринчи звено бўлган цех, участка ва бригада партия группаларини мустаҳкамлашга эришдик.

Бизнинг районда бўлган 24 бошланғич партия ташкилоти составида 130 партия группалари бор. Партия группалари коммунистларнинг активлигини ва ташаббусини оширмоқдалар, цех коллективини галдаги ишлабчиқариш вазифаларини бажаришга сафарбар этмоқдалар, ишчи ва хизматчилар ўртасида тарбиявий ишни кучайтирмоқдалар, коммунист ва комсомоларни меҳнатда ўрнак кўрсатишга да'ват қилмоқдалар.

«Таштекстильмаш» заводининг қуюв цехи партия группа ташкилотчилари Барков ва Машченко ўтроқлар ўз участкаларининг ишлабчиқариш масалалари блан яқиндан шуғулланадилар, участка ва цех ишини яхшилаш блан боғлиқ бўлган янгидан-янги масалаларни группа йиғилишида муҳокама қилмоқдалар. Ўтроқ Барков партия группаси ташкилотчиси бўлган участка коммунистлари цех ишида брак кўп бўлаётганлигини кўриб, бу масалани партия группасининг йиғилишида муҳокама қилдилар, қуюв ишининг сифатини яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиладилар, энг мас'улиятли участкаларга коммунистларни тайинладилар ва шунинг натижасида маҳсулот сифатини яхшилашга муваффақ бўлдилар.

Кўпгина партия группалари ўз ишларини цех ва бригада доирасидагина олиб бормай, балки бутун корхона, бутун коллектив манфаатини кўзда тутиб, корхона партия ташкилоти олдидаги умумий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда иш кўрмоқдалар. Масалан, тўқимачилик комбинати 2-нчи йигирув-тўқув фабрикаси товар-браковка бўлими партия группаси (партия группа ташкилотчиси ўртоқ Евдокимов) цехда сиёсий-оммавий ишларни яхши ташкил этди, ишлабчиқариш масалалари блан чуқур шуғулланиб, ишда юз бераётган камчиликларни ўз вақтида аниқлайди ва буларни тугатиш учун тезлик блан тадбирлар кўради.

Цехда системали равишда суҳбатлар ўтказиб турилади, баланд овоз блан газеталар ўқилади. Шунинг учун цех коммунистлари ва ишчилари халқаро аҳвол ва мамлакатнинг ички аҳволига тегишли бўлган ҳамма муҳим воқиалардан хабардор бўлиб турадилар. Бу цех ишчилари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини, СССР Олий Совети иккинчи сессияси қарорларини яхши биладилар. «А'ло сифат учун» номли цех деворий газетаси мунтазам чиқариб турилади. Цех ва айрим ишчиларнинг иши системали ёритилади. «Бугун цехимизда» витринасида ишлабчиқариш илғорларининг ва ишда бракка йўл қўйган кишиларнинг номи кўрсатилади. Ишлабчиқариш муваффақиятларига оид молниялар чиқазилади.

Шу фабриканинг партия группа ташкилотчиларидан ўртоқ Белов ҳам яхши ишламоқда. У, ёшлар комплектида бригадир бўлиб ишламоқда, унинг бригадаси нормани ҳарвақт ошириб бажаради. Бригадада оммавий агитация ишлари жуда яхши йўлга қўйилган.

1-нчи йигирув-тўқув фабрикасининг ремонт-механика бўлими партия группасида 22 коммунист бор. Партия группаси 60-нчи комплект мастер ёрдамчилари ва ремонтчилари блан биргаликда станокларни ўз вақтида ремонт қилиш, яхши сақлаш ва ремонтлараро муддатларда станокларнинг а'ло даражада ишлашини та'минлаш юзасидан социалистик мусобақани қизитиб юборди. Ҳозирги вақтда 9 бригада ўртасида мусобақа шартномалари тузилган. Ремонтчилар коллективи ҳамма машиналарни яхши ва а'ло баҳода ремонт қилишга муваффақ бўлмоқда.

Партия группасининг топшириғи блан коммунист-агитаторлардан Лушников ва Дунин ўтроқлар мунтазам равишда суҳбатлар ўтказмоқдалар, баланд овоз блан газета ўқиб бермоқдалар. Бу ерда ҳафтада лекциялар, докладлар ўтказилади. Яқинда «Халқаро аҳвол», «Реактив моторсозлик» темаларида лекциялар ўқилди.

Партия группасига бирлашган коммунистлар ишлабчиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиш учун доим ғайрат блан ишламоқдалар. Ҳарбир партия группа ташкилотда хотира дафтари бўлиб, унда группа ташкилотчисининг асосий вазифалари кўрсатилган, шунингдек унинг дафтарида коммунистларнинг ўқиши, партия йиғилишларига қатнашуви, а'золик вазифаларини қандай тўлаш, шу коммунистнинг салбий ва ижобий сифатлари кўрсатилган бўлади. Бу эса коммунистни тарбиялашда нималарга э'тибор қилиш зарурлигини билишга ёрдам беради. Партия группа ташкилотчисининг маслаҳати блан коммунистлардан Содиқов ва Босимбоев ўртоқлар кечки тўқимачилик техникумида, коммунист Степанов кечки тўқимачилик институтида ўқимоқдалар. Кўпчилик коммунистлар партия маорифи шохобчаларида ўз сиёсий билимларини оширмоқдалар.

Броқ, ҳамма партия группалари бирхилда яхши ишлаётирлар деб бўлмайди. Тўқимачилик комбинатида ҳам, «Таштекстильмаш» заводида ва бошқа корхоналарда ҳам ба'зи партия группалари ўз вазифаларини яхши бажармаётирлар. Масалан, партия группа ташкилотчиларидан Белоногова, Галкин, Шчитников ўртоқлар цех ва бўлимларнинг ишлабчиқариши блан чуқур шуғулланмайдилар, партия группасининг йиғилишини тез-тез ўтказиб турмайдилар ва коммунистларнинг сиёсий билимини оширишга ҳаракат қилмайдилар. Шунингдек Фомичев, Митрофанов ва бошқалар ҳам қониқарсиз ишламоқдалар.

Партия группаларининг қониқарсиз ишлаётганлигига сабаб шуки, корхона партия комитетлари партия группа ташкилотчиларини тарбиялашга, уларга инструктажлар бериб туришга кам э'тибор берадилар, партия комитети ва партия йиғилишларида партия группа ташкилотларининг ишлари ҳақидаги ҳисоботларни ўз вақтида эшитиб турмайдилар.

Тўқимачилик комбинати 2-нчи фабрикасининг цех партия группа ташкилотчиларидан ўртоқ Белоногова ишда ташаббус кўрсатмайди, участкада ишлаётган кишиларни маҳсулот сифатини яхшилашга сафарбар этмайди, илғор ишчиларнинг тажрибасини ёйишга ҳаракат қилмайди. Шунинг натижасида цех ишини яхшилашга қаратилган бирқанча рационализаторлик таклифлари амалга оширилмай келинаётир.

Партия группалари ишини яхшилашда улар ўртасида тажриба алмаштириш катта аҳамиятга эгадир. Тўқимачилик комбинати ва «Таштекистильмаш» заводи партия комитетлари партия группаларининг иш тажрибасини алмаштириш юзасидан семинар ва кенгашларни кам ўтказдилар. Шунинг учун район партия комитети партия группа ташкилотчиларини тарбиялашга алоҳида э'тибор бермоқда.

1955 йили тўқимачилик комбинатида партия группа ташкилотчилари учун 3 кунлик семинар ўтказилди. Бу семинарла КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари ва партия группалари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Бу семинарда қуйидаги конкрет темалар ишлаб чиқилди: «Иш унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда хомаш'ё ва материалларни тежаш учун курашда партия группаларининг вазифалари», «Партия группаси новаторларнинг илғор иш тажрибаларини ёйишнинг ташаббускори бўлсин» ва ҳоказо.

«Таштекстельмаш» заводида ҳам партия группа ташкилотчилари учун махсус семинарлар ўтказилди.

Партия группаларининг иши ҳақидаги масала район партия комитетининг пленумида муҳокама қилинди. Броқ, район партия комитети ташкилот бўлими ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарьлари пленум қарорини бажариш юзасидан етарли контрольлик олиб бормаганликлари учун хали ҳам партия группалари ишида жиддий камчиликлар бор.

Район партия комитети ҳали ҳарқайси партия группасининг иши блан конкрет шуғулланишга ва уларга амалий ёрдам беришга эришгани йўқ. Партия группалари иш тажрибасини оммалаштириш, энг яхши партия группаларининг ишини ҳамма партия группаларига ёйиш кўнгилдагидек эмас.

Корхоналардаги кўптиражли газеталар партия группалари ишини яхши ёритмаётирлар.

Район партия комитети ҳозирги вақтда ана шу камчиликларни тугатишга ва саноат корхоналарида партия группаларининг ташкилотчилик ролини оширишга алоҳида э'тибор бермоқда.

М. ҒУЛОМОВ,
Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитетининг секретари.

Тошкент асбобсозлик заводининг ишчилари саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг Мурожаатидан руҳланиб, меҳнат унумдорлигини кун сайин оширмоқдалар. **Суратда:** смена нормасини 240—250 процентдан бажараётган илғор ишчи **Вера Марушенко** иш устида.

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотоси.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

ИШЧИЛАР КЛУБИНИНГ ТАШАББУСИ

Сталин номидаги электрохимия комбинати ҳузуридаги ишчилар клубида илғор иш методларини оммалаштириш мақсадида қисқа метражли техника фильмлари кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Кинофильмлар кўрсатилгандан кейин уни ишчилар албатта муҳокама қиладилар.

Яқинда комбинат капитал қурилиш бошқармасининг бинокорларига «Кўпқаватли уйларни тезкорлик блан қуриш» деган кинофильм кўрсатилди. Муҳокама вақтида қуручилардан Солихов ва Иванов ўртоқлар кўпқаватли уй-жой қуришдаги бу илғор методни Чирчиқ шаҳрида ҳам қўлланиш мумкинлиги ҳақида сўзладилар.

КАСАБА СОЮЗ ПУТЁВКАСИ БЛАН

Ўрта Осиё химия машинасозлик заводи ва электрохимия комбинати ишчи, хизматчиларидан икки мингдан кўпроғи ўзларининг меҳнат отпускаларини она-Ватанимизнинг турли дам олиш уйларида ва санаторияларида ўтказадилар.

Шу йилнинг фақат тўрт ойи ичида химиклардан 200 киши Кавказ, Қрим курортларида ва республикамизнинг турли дам олиш уйларида бўлиб қайтдилар. Ҳозир ремонт-қурилиш цехининг ишчиси Пьянкова, аппаратчи Айбиндер Есентуки санаториясида, «Средазхиммаш» заводининг электрпайвондчиси Селиверстов, слесарь Шеховцев, асбобсоз Мограчева каби ўнлаб ишчилар Маллақора курортида кўнгилли дам олмоқдалар.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ КЎРИГИ

Шаҳардаги барча завод, фабрика ва ташкилотлар ҳузурида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг а'золари Бутуниттифоқ кўригига тайёргарлик кўрмоқда.

«Средазхиммаш» заводи ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагида корхонанинг 80 дан ортиқ ишчи ва хизматчилари қатнашмоқда. Яқинда комбинат ҳаваскорлари химикларга «Боқчасарой фонтани» балетининг учинчи кўринишини, «Ўйқудаги малика» балетидан ба'зи парчаларни кўрсатдилар.

МЕВАЗОР БОҒЛАР

Саноат корхоналарининг кўпгина ишчилари давлат томонидан берилаётган ёрдам блан уй-жой қуриб, унинг атрофини боққа айлантирмоқдалар. «Средазхиммаш» заводининг инженери Ковальчук, қозон цехининг ишчиси Бородоченко каби ўнлаб ишчи-хизматчилар кўплаб мевали дарахтлар экиб, боғ яратдилар.

О. ЛЕВАК.

СССР Олий Совети Президиумида

Министрликлар ва идораларнинг иши устидан давлат контролини кучайтириш ҳамда уларнинг меҳнат ва ишҳақи соҳасидаги ишларини яхшилаш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми шу йил 24 майдаги Фармони блан СССР Министрлар Советининг меҳнат ва ишҳақи масалалари блан шуғулланучи Давлат комитетини ташкил қилди.

СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Советининг меҳнат ва ишҳақи масалалари блан шуғулланучи Давлат комитети раиси қилиб СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ўртоқ Лазарь Моисеевич **Кагановични** тайинлади.

★ ★ ★

СССР Олий Совети Президиуми СССР халқ хўжалигини давлат йўли блан планлаштириш ишини яхшилаш мақсадида шу йил 25 майдаги Фармони блан СССР Министрлар Советининг Давлат план комитетини қайтадан ташкил қилди ва унинг базасида:

а) СССР Министрлар Советининг халқ хўжалигини перспектив планлаштириш Давлат комиссиясини (СССР Госпланини);

б) СССР Министрлар Советининг халқ хўжалигини галдаги планлаштириш Давлат иқтисодий комиссиясини (СССР Давлат иқтисодий комиссиясини) тузди.

СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Советининг халқ хўжалигини перспектив планлаштириш Давлат комиссияси Раиси қилиб ўртоқ Николай Константинович **Байбаковни** тайинлади, уни СССР Нефть саноати министри вазифасидан озод қилди ва СССР Министрлар Советининг халқ хўжалигини галдаги планлаштириш Давлат иқтисодий комиссиясининг Раиси қилиб СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ўртоқ Максим Захарович **Сабуровни** тайинлади.

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофотлари белгиловчи комитетда

Немис ёзучиси Бертольд Брехтга халқаро Сталин мукофоти топширилди

25 майда Кремльнинг Свердлов залида немис ёзучиси **Бертольд Брехтга** халқаро Сталин мукофоти топширилди.

Ҳозирги замон немис маданиятининг отоқли намояндасини табриклаш учун совет ёзучилари, пойтахт театрларининг артистлари, кино ходимлари, совет жамоат ташкилотларининг вакиллари, бадиий олий ўқув юртларининг студентлари ва ўқитучилари келдилар.

Мукофотни топшириш маросимида Германия Демократик Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили К. Зейц ва ГДРнинг Москвадаги элчихонаси ходимлари ҳозир бўлдилар.

Бертольд Брехт ва унинг хотини — ГДР машҳур артисткаси Елена Вейгель залда пайдо бўлганларида йиғилганлар уларни давомли қарсаклар блан кутиб олдилар.

Бертольд Брехтга мукофотни Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети раиси, ёзучи **Николай Тихонов** топширди.

Ёзучи **Константин Федин,** СССР халқ артисти **Н. П. Охлопков,** Совет Ёзучилари союзи Правлениесининг секретари **Борис Полевой** ва СССР халқ артисткаси **Е. Н. Гоголева** табрик нутқи сўзладилар.

Мукофотни топшириш маросимида сўзлаган совет маданияти арбоблари, Бертольд Брехтга Сталин тинчлик мукофоти топширилганлиги Совет Иттифоқи ва Германия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирдилар.

Ҳозир бўлганлар томонидан самимий кутиб олинган халқаро Сталин мукофоти лауреати Бертольд Брехт жавоб нутқи сўзлади. (ТАСС).

Хитойнинг биргаликда фойдаланиб келинган Порт-Артур ҳарбий-денгиз базасидан совет ҳарбий қисмларининг олиб чиқиб кетилганлиги ва бу райондаги иншоотлар Хитой Халқ Республикасига бепул топширилганлиги тўғрисида

СОВЕТ-ХИТОЙ АХБОРОТИ

Порт-Артур ҳақида 1950 йил 14 февральда тузилган Совет-Хитой битимига мувофиқ, шунингдек совет ҳарбий қисмларини Хитойнинг биргаликда фойдаланиб келинаётган Порт-Артур ҳарбий-денгиз базасидан олиб чиқиб кетиш ҳақидаги ҳамда бу базани Хитой Халқ Республикаси ихтиёрига тўла равишда топшириш ҳақидаги 1954 йил 12 октябрьдаги Совет-Хитой ахборотига мувофиқ, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати Хитойнинг биргаликда фойдаланиб келинган Порт-Артур ҳарбий-денгиз базасидан ўзининг ҳарбий қисмларини олиб чиқиб кетди ва бу райондаги иншоотларни Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматига бепул топширди, Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати эса Порт-Артур ҳарбий-денгиз базасини, шунингдек бу райондаги иншоотларни ўзининг тўла ихтиёрига қабул қилиб олди.

Совет ҳарбий қисмларини Хитойнинг биргаликда фойдаланиб келинган Порт-Артур ҳарбий-денгиз базасидан олиб чиқиб кетиш ва бу райондаги иншоотларни Хитой Халқ Республикасига топшириш якунловчи протокол блан расмийлаштирилди. Бу протокол 1950 йил 14 февральдаги битимга мувофиқ тузилган комиссия, я'ни Порт-Артурдаги Совет-Хитой бирлашган ҳарбий комиссияси томонидан 1955 йил 24 майда имзоланди.

Совет-Хитой комиссиясининг Совет ҳарбий қисмларини олиб чиқиб кетиш ва Порт-Артур ҳарбий-денгиз базаси районидаги иншоотларни Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматига топшириш блан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш ишни тўла ҳамжиҳатлик ва дўстона ҳамкорлик вазиятида ўтди.

Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтмоқдалар

Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм кечки университетида йиллик имтиҳонлар бошланди.

Университетда ўқиётган кишиларнинг кўпчилиги имтиҳонлардан яхши натижаларга эришган ҳолда ўтмоқдалар.

Яқинда II курсда марксизм-ленинизм асослари фани бўйича ўтказилган имтиҳонда Рустамов, Асадуллаева, Рихсиева, Мирабдуллаев, Муҳаммадхонов, Мавлонов ва бошқа кўпгина ўртоқлар ўзларининг йиллик имтиҳонларга пухта тайёргарлик блан келганликларини кўрсатдилар. Улар имтиҳон комиссияси томонидан белгиланган саволларга муфассал жавоб бериб, «4» ва «5» баҳо олишга муваффақ бўлдилар.

Эндиликда улар сиёсий иқтисод фани юзасидан ўтказиладиган имтиҳонга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Марксизм-ленинизм кечки университетини бу йил барча филиаллар бўйича мингдан ортиқ киши битириб чиқади. Булар орасида руслар ва ўзбеклардан ташқари, татарлар, қозоқлар, уйғурлар, корейслар ва бошқа миллат кишилари ҳам бор.

Университетни битириб чиқучилар назарий жиҳатдан мустаҳкам билимга эга бўладилар.

С. ҲАМРОЕВ.

БОЛЬШЕВИСТИК „ПРОЛЕТАРИЙ“ ГАЗЕТАСИ

(Биринчи сонининг чиққанига 50 йил тўлиши муносабати блан)

Бугун яширин большевистик «Пролетарий» ҳафталик газетасининг биринчи сони чиққан кунга эллик йил тўлди.

«Пролетарий» газетаси РСДРП III с'езлининг қарорига биноан ташкил қилинган эди. Партия Марказий Комитети Пленумининг қарори блан В. И. Ленин газетанинг редактори қилиб тайинланди. «Пролетарий» Жанвада 1905 йилнинг 14(27) майидан 12(25) ноябригача нашр қилинди; унинг 26 сони чиқарилди. «Пролетарий» эски, ленинча «Искра» тутғаи йўлни давом этдирди ва большевик «Вперед» газетасининг чинакам вориси бўлиб қолди.

«Пролетарий» газетаси биринчи рус революциясида жуда катта роль ўйнади. У, партия III с'езининг партияни янада мустаҳкамлаш, унинг революцион омма блан алоқасини кучайтириш тўғрисида чиқарган қарорларини пропаганда қилишда жуда катта ишларни амалга оширди.

«Пролетарий» газетасининг 1905 йил 27 майда чиққан биринчи сони бутунлай III с'езга бағишланган эди. У, РСДРП Марказий Комитетининг РСДРП III с'езди тўғрисидаги ахбороти блан бошланган эди. Владимир Ильич ёзган бу ҳужжатда РСДРП Марказий Комитети, партия III с'езди Россия ишчилар ҳаракати тарихида янги саҳифа очади, деб кўрсатиб ўтади. С'езд партия ичидаги кризисга хотима берди. РСДРП Марказий Комитети социал-демократларни халқ революциясига бошчилик қилишга, чоризмни ағдаришга, демократик республика ўрнатиш ва катта қадамлар блан социалистик революцияга боришга чақирди.

Партия Марказий Комитетининг ахборотидан ташқари, биринчи сонда с'езднинг энг муҳим резолюциялари: қуролли қўзғолон тўғрисидаги, муваққат революцион ҳукумат тўғрисидаги, социал-демократиянинг деҳқонлар ҳаракатига муносабати тўғрисидаги, пропаганда ва агитация тўғрисидаги, партиянинг марказий органи тўғрисидаги резолюциялар ҳамда бошқа резолюция ва ҳужжатлар босиб чиқарилган эди.

«Пролетарий»нинг шу сонида В. И. Ленининг «Учинчи с'езд» деган мақоласи босилиб чиқди. Мақолада III с'езднинг тарихий аҳамияти очиб берилади, унинг қарорлари батафсил баён қилинади, меньшевикларнинг ишчилар синфи сафини бузиш йўлидаги уринишлари фош қилинади.

Россияда, дейилади мақолада, барча прогрессив халқ кучларининг самодержавиега қарши асрлар давомида олиб борган курашининг ҳал бўлиш пайти яқинлашмоқда. Бу курашда пролетариатнинг зўр ғайрат блан иштирок этишига ва ҳудди пролетариатнинг курашда қатнашиши Россиядаги революциянинг тақдирини ҳал қилишга энди ҳечким шубҳа қилмайди. Биз, социал-демократлар, деб кўрсатади Владимир Ильич, эндиликда энг революцион синфнинг муносиб вакиллари ва раҳбарлари бўлаолишимиз, бу синфга унинг социализм сари қолибона юришининг гарови — жуда кенг эркинликка эришишига ёрдам беришимиз керак.

Партиянинг III с'езди ўз қарорларида революцион социал-демократларнинг сра кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири — қуролли қўзғолон йўли блан самодержавиега қарши бевосита курашиш учун пролетариатни уюштиришдан иборат эканлигини кўрсатиб берди. Шу блан бирга, с'езд қуролли қўзғолоннинг бошланишида ва боришида муҳим аҳамиятга эга бўладиган оммавий-сиёсий стачкаларнинг ролини пролетариатга тушунтириш зарурлигини уқдириб ўтди. С'езд деҳқонларнинг революцион талабларини қўллаб-қувватлашнинг аниқ вазифасини белгилаги ва деҳқонлар оммасини ишчилар синфи томонига қаратиб олиш учун кураш олиб бориш ни партия ташкилотлари зиммасига юклади.

III с'езднинг худди ана шу қарорлари «Пролетарий» газетасининг диққат марказида турди. «Пролетарий» саҳифаларининг ҳарбир сонида Ленининг «Муваққат революцион ҳукумат тўғрисида», «Революцион пролетариатнинг демократик вазифалари» «Революция та'лим бермоқда» ва бошқа мақолалари босилиб турди. Бу мақолаларда с'езд қарорларининг халқ революциясининг муваффақияти учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги очиб берилади. Бу тарихий мақолалар партиянинг тактик асосларини тушунтириб берди, большевикларни идеологик жиҳатдан қуроллантирди, уларни революцияга раҳбарлик қилишга тайёрлаб берди.

Газетанинг асосий ғоявий бойлигини ташкил қилган В. И. Ленининг мақолалари блан бир қаторда «Пролетарий»да Ленининг шогирдлари ва сафдошларининг, унинг партия марказий органидаги энг яқин ёрдамчиларининг мақолалари ҳам босилар эди.

«Пролетарий»да босилиб чиққан бирқанча мақолалар деҳқонлар ҳаракати масалаларига бағишлаган. Газетадаги деҳқонлар масаласига бағишланган мақолалар орасида В. И. Ленининг «Социал-демократиянинг деҳқонлар ҳаракатига муносабати» деган программ мақоласи алоҳида диққатга сазовордир. Бу мақолада Ленин ишчилар синфининг деҳқонлар блан иттифоқини мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади ҳамда самодержавиега қарши революцион кураш жараёнида буржуа-демократик революциянинг социалистик революцияга ўсиб ўтиши йўлини тутиш зарур деган фикрни илгари суради.

«Пролетарий» газетаси биринчи рус революцияси ўсиб бораётган даврда чиқиб турди. Унинг ёрдами блан большевистик партия Марказий Комитети партияни ва ишчилар синфини ғоявий жиҳатдан қуроллантирди, курашнинг революцион йўлларини кўрсатиб берди, ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонларни қуролли қўзғолонга тайёрлади. «Пролетарий» газетаси меньшевикларнинг хоинона тактикасини фош қилиб, ишчилар синфини сиёсий мустақиллиққа, революцион марксизмнинг байроғи остига бирлашиб ҳаракат қилишга чақирди.

Газетанинг турли бўлимларида Россиядан келган хабарлар босиб чиқарилар эди. Бой мазмунга эга бўлган бу хабарларда меҳнаткашлар оммасининг революцион активлиги ўсганлиги, большевиклар революцион кураш жараёнида ташкилотчилик ва идҳомлаштируучи ролини ўйнаётганликлари кўрсатилар эди. Бу материалларнинг ҳаммаси редакция ходимларининг муфассал мақолаларида ва даставвал В. И. Ленининг биринчи рус революциясининг асосий масалалари тўғрисида ёзган мақолаларида умумлаштириб берилар эди. Ленин меҳнаткашларнинг революцион курашини чуқур анализ қилиш асосида ўз мақолаларида партияни ва ишчилар синфини самодержавиега қарши янада активроқ курашга сафарбар этучи дадил назарий якун ва хулосалар чиқарди.

«Пролетарий» газетасининг сонларидан бирида Одессада бўлиб ўтган воқиалар ва «Потёмкин» броненосецидаги қўзғолон тўғрисидаги материаллар босиб чиқарилган эди. В. И. Ленин ана шу материалларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида газетада ўзининг «Революцион армия ва революцион ҳукумат» деган машҳур мақоласи блан чиқди. Бу мақолада у, революциянинг буюк вазифаларини халқ қуролли кучи блангина муваффақиятли ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатиб берди. Ленин уқдириб ўтдики, самодержавие ўрнига барпо этиладиган революцион ҳукумат халқ томонида туриб курашучи революцион армияга эга бўлмоғи зарур.

Ленин «Булиган Думасини бойқот қилиш ва қўзғолон» деган мақоласида либерал буржуазиянинг чор ҳукумати блан келишучилик қилишга уринишини фош қилди. У, Булигин Думасида қатнашиш керак деб чиққан меньшевикларни қаттиқ танқид остига олди ҳамда чор Думасига актив равишда бойқот э'лон қилишни, омманинг революцион курашини кучайтиришни ва чоризмга қарши қуролли қўзғолонга тайёрланиш юзасидан олиб борилаётган амалий ишларни тезлаштириб юборишни талаб қилди.

Ленининг бу мақоласи Россияда революцион воқиаларнинг янада ривожланишига ғоявий-сиёсий жиҳатдан жуда катта та'сир кўрсатди. Ишчилар синфи партия III с'езди қарорларига, улуғ Ленининг кўрсатмаларига амал қилиб, чоризмга ҳужумни кучайтирди. 1905 йил октябрида умумроссия сиёсий стачкаси бошланиб кетди. Бу стачка натижасида Булигин Думасидан асар ҳам қолмади. «Пролетарий» газетаси бу воқиага бағишлаб Ленининг «Бутунроссия сиёсий стачкаси» деган бошмақоласини босиб чиқарди. Бошмақолада Россия пролетариатининг октябрь кунларидаги чиқишларига юксак баҳо берилади. Ленин, октябрьдаги ялпи стачкани ҳамкор пролетариат сиқинининг жуда катта гирдоби (бу гирдоб пролетариатнинг кўл ишораси блан Булигин Думасини супуриб ташлади) деб атади.

«Пролетарий» газетаси пролетариатни декабрь қуролли қўзғолонита тайёрлашда ғоят катта роль ўйнади. Газета партия III с'езди қарорларини тушунтириш блан бирга, оммани ҳал қилучи жангга жиддий тайёргарлик кўришга чақирди. 1905 йилнинг 12(25) ноябрида бутунроссия октябрь сиёсий стачкасидан сўнг мамлакатда бўлаётган воқиаларни муҳокама қилиб, «Пролетарий» редакцияси қуйидагиларни биллирди: «Самодержавие ва зулм Россияси устида момакалдироқли булутлар тўпланмоқда. Бўрон бўлади. Кучли, мусаффо қилучи бўрон бўлади». Шу сонда босилган «Икки жанг ўртасида» сарлавҳали бошмақолада эса революция ўзининг юқори чўққисига яқинлашиб қолганлиги тўғрисида очиқдан-очиқ гапирилади. Шу блан бирга, бошмақола пролетариатни революциянинг асосий вазифаларини бирдан-бир тўғри ҳал қилиш методи блан қуроллантирди. Ленин томонидан ёзилган бу мақолада янги, тез етиладиган воқиалар қаршисида пролетариатнинг сиёсати айниқса мустаҳкам аниқ ва муайян бўлиши зарур эканлиги кўрсатиб берилди. Пролетариат либералларнинг чоризм блан разилона ўйнашаётганликларига, меньшевиклар ва эсерларнинг хоинона тутган йўлига «Ўз шиорини, я'ни умумхалқ қуролли қўзғолонини уюштириш йўли блан подшо ҳокимиятини ағдариш шиорини ҳамавақтдагидан кўра кескинроқ қилиб қарши қўйишни керак». Газетанинг кўрсатиб ўтишича, «фақат голибона халқ қўзғолонигина, подшо ҳокимиятининг... барча вакиллари устидан қуролли пролетариат блан деҳқонларнинг фақат тўла ҳокимлик қилишигина...» мамлакатда сиёсий эркинликни қўлга киритишда бирдан-бир жиддий гарантия бўлаолади (Ленин, Асарлар, 9 том, 493 бет).

Партия марказий органи томонидан яшончи тарада берилган қуролли қўзғолон қилиш ғояси омма онгига етиб борди ва уларни 1905 йил декабрьда самодержавиени ағдариш учун қуролли қўзғолонга отлантирди.

1905 йилнинг ноябрь ойи бошларида В. И. Ленин эмиграциядан Россияга қайтиб келди. «Пролетарий» газетасини нашр этиш тўхтатилди. В. И. Ленининг бевосита раҳбарлиги остида Петербургда «Новая жизнь» деган кундалик леграл большевистик газета чиқабошлади.

Олти ой давомида чиқиб турган «Пролетарий» газетаси партиямизнинг жанговар матбуот органи бўлди. Ҳар ҳафта унинг саҳифаларидан улуғ Ленининг ва унинг сафдошларинизг қудратли овози эшитилиб турарди. Владимир Ильич «Пролетарий» газетаси учун 50 дан ортиқ мақола ва хабарлар ёзди. Ленининг ана шу барча асарлари Россия ишчилар синфининг революцион ғайратига, унинг революцион халқни ўз орқасидан эргаштириб бораолишига чуқур ишончга асосланган пролетар оптимизми блан тўлиб-тошгандир.

«Пролетарий» газетаси омманинг революцион тажрибасини синфий курашнинг марксистик назарияси асосида умумлаштириб, партияга ҳамда ишчилар синфига демократик революцияни бундан кейинги ривожлантириш йўлларини, революция вазифаларини амалга оширишда муваффақиятларга эришишнинг восита ва методларини кўрсатиб берди. У, партия III с'езди қарорларини пропаганда қилишда, биринчи рус революцияси жараёнида партиянинг оммага ғоявий жиҳатдан раҳбарлик қилишида жуда катта роль ўйнади.

И. ПОРТЯНКИН.

Барча куч ва техникани дала ишларининг сур'атини ошириш ва сифатини яхшилашга сафарбар этайлик!

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Ғўзаларни ўт босишига йўл қўймайлик

Бу йилги об-ҳаво шароитида кўпгина майдонларда чигитни текис ундириб олиш учун чигит суви беришга тўғри келди. Натижада ана шу ерларда чигит униб чиқмасданоқ ўтлар унабошлади. Ғўзалар энди ривожланишга кирганда, ёввойи ўтлар илдиз олиб, тупроқдаги озуқа моддаларига шерик бўлдилар. Илғор колхозлар ва совхозлар ғўза парваришини янги усулда ўтказиб, ҳам узунасига, ҳам кўндалангига парвариш қилиб, қаторлардаги ўтларни йўқотишга, ғўзаларнинг яхши ривожланишига эришмоқдалар. Оржоникидзе районидаги Пушкин номли, Киров номли, Пискент районидаги Калинин номли, Янгийўл районидаги Сталин номли ва бошқа бирқанча колхозларда иш ана шундай уюштирилганлиги учун ғўза тез ривожланаётир.

Броқ, областимиздаги жуда кўп колхоз ва совхозларда ғўзани ўт босишидан сақлаш учун етарли даражада иш олиб борилмаётир. Бу ишга барча куч ва техника тўла сафарбар этилмаган. Чиноз районидаги Ворошилов номли, Сталин номли, Верхне-волинск районидаги Шверник номли, Сирдар'ё районидаги Сталин номли, Янгийўл районидаги Жданов номли колхозлардаги бирқанча далаларда ёш ғўзалар ўт ичида қолиб, яхши ривожланмаётир. Лекин бу колхозларнинг правлениелари ҳамда партия ташкилотлари ғўза парваришини ривожлантириш соҳасида етарли даражада иш олиб бормаётирлар. «Универсал»ларнинг тўла ишлаши устидан контрольлик ўрнатилмаган, бирқанча колхозчилар дала ишлари соҳасидаги белгиланган нормаларини тўла бажармайдилар.

Ғўза ўсаётган ва ривожланаётган ҳозирги кунларда уни ҳамавақт ўтлардан сақлаш, қатор ораларининг доим юмшоқ бўлиб туришига эришиш ҳар жиҳатдан муҳимдир.

Шу кунларда колхозлардаги айрим пайкалларда ғўзалар иккинчи марта ягана қилинаётир. Бу иш ўтказилаётган вақтда қаторлардаги печак, ғумай ва бошқа ўтларни илдизи блан юлиб ташлаш керак. Колхозчилар ва механизаторлар ғўзаларни ёввойи ўтлардан доим тоза сақлашга тўла сафарбар этилишлари, бу соҳада яхши ишлаётган кишилар колхоз правлениелари ҳамда партия ташкилотлари томонидан рағбатлантириб турилишлари керак.

Маҳаллий партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда МТС-ларнинг директорлари колхоз ва совхозларда бўлганларида ғўзанинг ўт босишига йўл қўяётган кишиларга чора кўришлари, уларнинг бу соҳада яхшироқ ишлашларига эришиш учун зарур тадбирларни белгилашлари лозим.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг К. Абдусатторов бошлиқ бригада а'золари 103 гектар ердаги ғўзанинг биринчи парваришини тугалладилар. Улар ғўзанинг нормал ривожланишини та'минлаш учун ғўзаларни озиқлантиришга зўр уюшқоқлик блан киришдилар. Бу ишда тракторчи ўртоқ Э. Мирдадаев юқори кўрсаткичларга эришмоқда. **Суратда:** (чапдан) 1. Бригада бошлиғи **К. Абдусатторов** звено бошлиғи **М. Тожибоев** блан ғўзаларнинг туп қалинлигини текширмоқда. 2. Ғўзаларни озиқлантириш пайти. 3. Тракторчи **Э. Мирдадаев.**

В. Салов фотоси.

Қувончли натижалар

Бу йил пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштириш учун, янги, прогрессив методларни кенг жорий қилиш ва амалий натижаларга эришиш соҳасида катта синовдан ўтишлари керак. Бу муқаддас ва шарафли ишга ҳарбир колхозчи, шунингдек ҳарбир механизатор ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Биз мана шу вазифани чуқур ҳис қилган ҳолда астойдил ишга киришдик. Квадрат-уялаб чигит экишни қунт блан ўргандик. Мен бу йил чигит экишга ҳарқачонгидан кўра жиддий тайёрлик кўрдим. Сим тортиб чигит экиш техникасини яхши ўрганиб олдим. Ҳаммаси бўлиб биринчи мартаба 102 гектар ерга чигит экдим.

Лекин об-ҳавонинг ноқулай келиши натижасида мен ишлаб турган Янгийўл районидаги Сталин номли колхозда кўпгина ерларга қайтадан чигит экишга тўғри келди. Иккинчи марта, қайта чигит экиш вақтида яна 60 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экдим.

Ҳозир колхознинг ҳамма майдонларида чигит биртекис униб чиқди. Ғўза қатор ораларини ишлаш қизғин тус олди. Колхозчилар 1089 гектар ердаги ғўзаларни бир қатор ягана қилиб бўлдилар. Ҳозир айрим жойларда кейин униб чиққан ғўзаларни қўшимча ягана қилиш давом этмоқда.

Биз механизаторлар колхозчиларга яқиндан ёрдам бериш учун курашаётирмиз. Ўзимиз меҳнат сарф қилиб, ҳосил қилган квадратларни сақлаб қолиш учун, иккитомонга қараб ишлашни давом этдириш учун курашмоқдамиз. Лекин чигит қайта экилгандан кейин, айрим ерларда тўғри квадратлар ҳосил бўлмади. Квадрат-уялаб чигит экилган айрим ерлар брак бўлди. Шунинг учун кўпроқ майдонларда иккитомонга қараб ишлашни та'минлаш мақсадида оддий усулда чигит экилган 178 гектар ерни кўндалангига қирқиб яганаладик. Квадрат-уялаб чигит экилган жойларни мумкин қадар сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Колхозчилар қатор ораларини икки томонга қараб ишлашнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳозирнинг ўзидаёқ тушиниб олдилар ва бу ишга зўр қизиқиш блан қарамоқдалар. Бу эса ҳарбир механизаторнинг астойдил ишлашини, қатор ораларининг кўпроқ культивация қилинишини талаб этади. Шунинг учун мен тракторчи Раҳмат Нишонбоевни социалистик мусобақага чақирдим. Ўзим хизмат қилаётган 4-нчи, 7-нчи, 8-нчи бригаданинг квадрат-уялаб чигит экилган ва кейин энига қирқиб квадрат ҳосил қилинган ерларини камида уч мартаба икки томонга қараб ишлаш учун мавсумда 1200 гектар ерни культивация қилиш мажбуриятини олдим. Ҳозиргача мен 200 гектардан кўпроқ ердаги ғўзани культивация қилдим. Мусобақадошим Раҳмат Нишонбоев 45 сантиметрга мосланган трактор блан ғўза қаторларини энига қараб, мен эса 60 сантиметрга мосланган трактор блан қаторларни бўйига қараб культивация қилмоқдамиз.

Ғўзалар икки томонга ишланган майдонларда колхозчиларнинг қўл блан қилиши учун деярлик иш кам қолаётир. Айниқса ёввойи ўт блан курашда бу усул колхозга катта ёрдам бермоқда. Трактор блан бир томонга қараб ишланган майдонларда ёввойи ўтлар қаторларда қолса ҳам, икки томонга қараб ишланган ерларда ёввойи ўт мутлақо қолмаётир.

Биз ҳозирданоқ янги, прогрессив методнинг дастлабки натижаларини, унинг афзаллигини амалда кўра бошладик. Шунинг учун яшил квадратларда қунт блан ишлаймиз ва уни сақлаб қоламиз.

Эргаш ДОНИЁРОВ,
Янгийўл районидаги 2-нчи МТСнинг Сталин номли колхозда хизмат қилаётган тракторчиси.

Ғўза шоналайбошлади

Уфқларга туташиб, ямяшил квадратларга айланган пахта майдонлари. Бу майдонлардаги ғўзалар биртекис шоналайбошлаган. Уларнинг яхши парвариш қилинганлиги гуркиқаб ўсаётганлигидан ҳам кўриниб турипти...

Октябрь районидаги Охунбобоев номли колхознинг А. Халимбоева бошлиқ бригада а'золари куз ва қиш даврида барча ишчи кучлари ва механизациядан унумли фойдаланиб, пахта майдонларини сифатли шудгор қилиб олдилар. Чигит яхши ишланган ерларга ўз вақтида тушди ва бир текис униб чиқди. Бригада а'золари ғанимат кунларни қўлдан бой бермай, биринчи парваришни бошлаб юбордилар. Янги, прогрессив усулда экилган 40 гектар ғўза тез кун ичида ягаланди, культивация қилинди ва сифатли чопиқдан чиқарилди. Бу муваффақиятларга эришишда, механизаторларнинг ҳиссаси каттадир. Э. Эрйигитов, Қ. Эрчабоев каби илғор универсалчилар ўз агрегатларидан унумли фойдаланиб ҳар куни 10 — 11 гектар ердаги ғўзани культивация қилдилар. Бригаданинг С. Отабоева, М. Муллаева, З. Абдурасулова каби илғор а'золари чопиқ нормаларини 1,5—2 ҳиссадан ошириб бажармоқдалар. Ғ. Хошимов, Ю. Мирзатиллаев каби сувчилар ғўзаларни суғоришда агротехника қоидаларига ва илғорлар тажрибасига асосланиб иш олиб бормоқдалар.

Натижада ғўзанинг биринчи парвариши эрта тугалланди ва иккинчи парвариш бошлаб юборилди.

Ҳозир бригада а'золари бу муваффақиятларни мустаҳкамлаш мақсадида механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб, мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

М. АҲМЕДОВА,
Д. СОДИҚОВ.

Сояпар раис ва ўтбосган ғўзалар

ЎРТАСАРОЙ (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Райондаги Охунбобоев номли колхознинг катта йўл ёқаси бўйлаб Шоди Раҳматов, Йўлдош Жумабоев, Анор Узоқов, Абдувоҳаб Ашуровлар бошлиқ бригада ерларини айланиб чиққан киши далаларни ёввойи ўт қоплаб олганлигини кўради.

Агар бу ҳақда колхоз раҳбарлари блан суҳбатлашиб қолсангиз улар дарҳол: «бу йил икки маротаба чигит экдик, бунинг устига кучимиз кам, об-ҳаво ноқулай бўлди» дейдилар. Лекин колхознинг иши блан яқинроқ танишган киши бу гаплар мутлақо беҳуда эканлигини, колхоз раҳбарлари бу гапларни ўз айбларини хас-пўшлаш учун рўкач қилаётганликлари учунгина айтаётганлигини англайди.

Охунбобоев номли колхознинг атиги 400 гектар пахта майдони бор. Бу пахта майдонида ишлаш учун расмий равишда 217 киши ажратилган. Ғайри-расмий равишда яна далада 50—60 киши ишлаб турганлиги сводкада қайд этилган. Шуни ҳисобга олганда ҳаркуни ўрта хисоб блан камида 270 киши ишлашлиги мумкин. Бундан ташқари колхоз керагидан ортиқ даражада техникага эга. 1-нчи МТСнинг Тожимурод Асроқулов, Александр Лим бошлиқ 6-нчи ва 13-нчи трактор бригадаси шу колхозда хизмат қилмоқда. Бу трактор бригадаларида эса 11 та «универсал» бор. Бу «универсал»ларнинг иккитасига СУЗ ва иккитасига ОДН осилган. Кўриниб турибдики, бу колхозда бир тракторга 40 гектардан ҳам камроқ ер тўғри келади. Демак, колхозда ғўза парваришини муваффақиятли ўтказиш учун ишчи кучи ва механизмлар етарли. Бу колхоз районда илғорлар қаторида бориш қудратига эга. Лекин колхоз ғўза парваришида райондаги илғор колхозлар қаторида эмас, қолоқ колхозлар қаторида бормоқда. Охунбобоев номли колхозда шундай имкониятлар бўлгани ҳолда нима учун колхоз раиси А'зам Саломов «кучимиз кам» деб нолийди?!

Колхоз секретаридан раис Саломовнинг қайерда эканлигини сўраган эдик, у «далада» деб жавоб берди. Биз колхознинг 1-нчи, 2-нчи участкасидаги ўртоқлардан ҳам раисни суриштирдик. Бирор киши раисни кўрдим демади. Колхоз секретари 3-нчи, 4-нчи, 6-нчи ва 2-нчи бригада ерларига йўл бошлади. 3-нчи бригаданинг бир бўлак еридаги ғўза трактор блан кўндалангига қирқилиб ягана қилинган. Ҳозир бўйи бир карич бўлиб қолган бу ғўзалар ҳанузгача букетланмаган. Ғўзалар сиқилиб нимжон бўлиб қолмоқда. Лекин бу бригада ерида ишлаётган бирор кишини кўрмадик.

— Ростданми? — табелчи ханг-манг бўлиб қолди.

Бу аҳволни кўриб жахли чиққан бош бухгалтер ўртоқ Йўлдош Шарофиддинов табельчини қойиб кетди.

— Сиз буёқда бошингизни боғлаб, ёлғон касал бўлиб юрсангиз, уёқда бригада бошлиғингиз Абдувахоб Ашуров иш вақтида уйида ухлаб ётса, ишни ким қилади. Сиздақа интизомсизларга ким бўйсинади?!

— Ухлагани йўқдир, — деди табелчи бригада бошлиғини ҳимоя қилиб.

— Энди мен ўз кўзимга ҳам ишонмай сизни сўзингизга ишонайми,—деди бухгалтер.

Мана, Охунбобоев номли колхоз далаларида ишнинг қизғин кунларида юз берайётган манзаралардан бири шундан иборат. Шунинг натижасида колхозда ягана тамом бўлмаган. Ғўза чопиги жуда суст давом этганидан энди 150 гектар ер чопиқдан чиқарилган. Фақат 24 гектар ердаги ғўзабиринчи марта ўгитланган.

Ғўза парваришининг бундай кечикиб кетишига колхозда меҳнатни тўғри ташкил этилмаганлиги, ишга ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қаралаётганлиги, мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланилмаётганлиги, ишёқмас, дангасаларга қарши кескин кураш очилмагани, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб борилмаётганлиги сабаб бўлаётир.

Охунбобоев номли колхозда, ҳали биз далада кўрган Мархаматхон Пардаева, Зулфия Болтабоева, Собула Аҳмедова, Мархамат Норқулова, Турсуной Мўродова сингари 40 га яқин икки нормачи ажойиб ва меҳнатсевар колхозчилар бор. Булар ҳарқанча олқишга ва ҳурматга сазовор бўлган фидокор кишилар... Лекин бундай илғор кишиларнинг иш тажрибалари кенг оммалаштирилмаётир. Колхоз партия ташкилотининг секретари Абдулла Мирзоҳидов фаолиятсизлик қилаётир.

Йўлдош Жумабоев бошлиқ бригаданинг иши блан тўлароқ танишдик. Ма'лум бўлишича, буерда кўпгина кишилар 20 сотик ўрнига бир кунда 5 сотикдан чопиқ қилаётганликлари ма'лум бўлди. Бригадада ҳам колхозда ҳам белгиланган норма бажарилмайди. Мокки Саидаҳмедова, Робихон Узоқова, Ўлданой Бекпўлатова, Ҳакима Нишонова сингари 15 лаб киши меҳнат минимумини бажармаганлари ҳолда колхоз раҳбарлари уларга нисбатан келишучилик қилиб келмоқдалар. Аширали Хожиметов, Жалол Йўлчиев каби дангаса, иш деса ўзини соғга урадиган интизомсизларга ҳам бу колхозда чора кўрилмайди. Қисқаси колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Колхоз правлениеси ҳам, колхоз бошланғич партия ташкилоти ҳам меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ўзаро социалистик мусобақани кучайтириш, колхозчиларни меҳнатга рағбатлантириш тўғрисида бош қотирмайдилар ва уларга маданий-маиший шароит яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилмайдилар.

Биз колхозни кечгача айланиб қайтаётганимизда, катта тош йўл ёқасидаги чойхонада раисни учратдик. А'зам Саломов колхозда ишчи кучи етишмаслигидан зорланди. У, чойхонада, кўк чойни пуфлаб ичиб ўтирган вақтда даладаги иш эсига келади-ю аммо у ерга бориб ишни кучайтиришга ботинаолмайди. Чунки соянар бўлиб қолган раис офтоб иссиғига тоб беролмайди.

Ўртасарой районининг маркази Охунбобоев номли колхознинг қоқ ўртасига жойлашган. Район марказидан туриб қайси томонга қаралса, шу колхознинг ўт босиб ётган пахта майдонлари манаман деб туради. Буни шу ерда ишлаб турган район раҳбарлари ҳам кўрадилар. Лекин ҳечким колхоз раҳбарларининг бундай беғамлик блан иш қилаётганликларига зарба бермайди. Колхоз раҳбарлари эса ҳамон «кучимиз кам» деган сийқаланиб кетган гапни қайта-қайта такрорламоқдалар.

Босит ХАЛИЛОВ.

Н. Меламед чизган расм.

Раис Саломов ўзин соя.салқинга отар,
Пинагин сра бузмай, хурракни отиб ётар.
Хотиржамлик балоси унга юқипти,
бай-бай,
Ҳузурбахш шамол эсиб, хузур бахш этар, ҳай.ҳай.
Кузда жўжа саналса, сирлари бўлиб ошкор,
Ғафлат бандаси эснаб, бошини чайқар ночор.

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Ғўза парваришини намунали уюштирайлик

Ҳозир пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг энг мас'улиятли даври. Илғор колхозлар бригада ва звеноларида ғўза парваришида анча ишларни қилиб қўйдилар. Бу эса ғўзанинг ривожланишини тезлаштиришда ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли, Ўртасарой районидаги Булганин номли, Пискент районидаги Молотов номли колхоз ва бошқа кўпгина колхозларда дала ишлари яхши олиб борилаётгани учун, ғўзалар 5 — 6 тадан барг чиқариб қолди. Табиий, бу колхозлар июньнинг дастлабки кунларида ғўзаларни ёппасига шоналатиб олдилар, пахтанинг эрта етилишига эришадилар.

Броқ, ҳамма колхоз ва совхозларда иш шундай кетаётир, деб бўлмайди. Пискент, Бекобод, Ховос, Октябрь, Чиноз, Янгийўл ва бошқа районлардаги кўпгина колхозларда ғўза парвариши соҳасида иш қониқарсиз аҳволда. Бу колхозлар об-ҳаво ноқулайлиги натижасида чигитни қайта экиш зарур бўлганда, уни анча кечиктириб юбордилар.

Биринчи навбатда далаларда ғўза тупларининг сийрак бўлиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик зарур. Шуни эсда тутиш керакки, ғўзалар ривожланишдан қолганида ҳосил камаяди. Аммо, туп қалинлигини ошириш йўли блан бунинг ўрнини қоплаш мумкин. Чунки, туп қалинлиги ошганида ғўзанинг ривожланиши кучаяди.

Броқ, кўпгина МТС ва колхозлар буни э'тиборга олмаётирлар, уларда чигитни тўла ундириб олиш, ғўзани дастлабки даврда парвариш қилиш ишлари жуда қониқарсиз олиб борилмоқда. Гулистон, Сирдар'ё, Боёвут, Верхне-волинск районларидаги кўпгина колхозларда униб чиққан ғўзанинг сийрак бўлишига қарамасдан, чигит суви бериш кечикаётир.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ягана-ни эрта ўтказишнинг катта аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага ма'лум. Ягана ўз вақтида қилиниб, қатор оралари қунт блан ишланса, ғўзанинг қуёш иссиғидан фойдаланиш шароити яхшиланади, озиқ ва нам блан керагича та'мин этилади, ўзининг ривожланиш даврларини тез ва нормал ўтказади, ғўза тупининг пастки, биринчи мева шохларида кўсак ҳосил бўлади.

Бу йил апрель ойида об-ҳаво чигитни белгиланган мўлжалда ерниг ўз намига ундириб олиш имконини бермади. Лекин шунга қарамасдан ғўза ягана-сини ва дастлабки парваришни 20-нчи майларгача ҳамма жойда тугатиб олиш мумкин бўлар эди. Броқ, бу тадбирлар,айниқса, ғўзанинг ягаласи жуда кечикмоқда. Масалан, 20 майгача пахта майдонларининг ярмисидаги ғўзалар ягана қилинмаган, фақат 68 процент майдонда культивация ўтказилган. Ховос, Пискент районларида аҳвол айниқса ёмон.

Ғўза ягаласи анча сермеҳнат иш. Бу иш қўл блан бажарилганида ҳар гектар ерга 8 — 10 иш куни керак бўлади. Ғўза қатор ораларини трактор блан кўндалангига культивация қилиб, ишни анча тезлатиш, меҳнат унумини ошириш мумкин бўлади. Шу блан бирга, бу хилда ягана қилишда, тупроқ юмшайди, бегона ўтлар йўқотилади. Демак бир вақтнинг ўзида меҳнат тежалган ҳолда, уч хил иш бажарилади. Бу йил ғўза парваришида ғўзани машина блан яганалаш усули кенг қўлланилиши керак. Квадрат-уялаб ўстирилаётган ғўзалар машина блан ягана қилинганида, квадратлар янада тўғри ва аниқ бўлиб тушади. Илғор колхозларимиз бу усулнинг афзалликларини яхши биладилар. Шунинг учун улар ғўзани асосан машина блан ягана қилмоқдалар. Броқ кўпгина колхозларимиз бу усулни қўлланмаётирлар. Масалан, Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз раиси ўртоқ Қўчқоров ғўзани фақат қўлда яганалаш тўғрисида кўрсатма берган. Боёвут районидаги Молотов номли колхоз раиси ўртоқ Латипов ҳам шундай қилаётир. Оржоникидзе районидаги ба'зи колхозларнинг раҳбарлари ҳам механизацияга қарши ана шундай кайфиятга берилиб кетганлар. Бунга МТСларнинг раҳбарлари ҳам айблидирлар. Янгийўл районидаги 1-нчи МТС директори Мешков, райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари Зуев, Ховос районидаги 2-нчи МТС директори Киселев, райкомнинг зона бўйича секретари Исломов ўртоқлар колхоз раислари Латипов, Қўчқоров ўртоқларга янги усулнинг аҳамиятини яхши тушунтирмаганлар.

Ғўза машина блан яганалангандан кейин қўл блан ростланиб, букетланади. Ўтган йил қўл блан букетлашда белгиланган қоидалар бузилгани учун кўп далаларда ғўза қатор ораларини иккитомонлама ишлаш қийин бўлди. Ўртасарой районидаги колхозлар айни ҳолни э'тиборга олиб, бу йил ғўза тупларини букетлашда кўндаланг қаторларни каноп ип тортиб тўғриламоқдалар. Бунинг учун колхозчилар жуфт-жуфт группаларга бўлинади. Ҳарбир группа узунлиги 25 — 30 метрли ва учларига қозиқлар боғланган иккитадан каноп ип блан та'мин этиладилар. Машина блан яганалашдан кейин ҳосил бўлган ёнма-ён қаторлардаги букетларнинг қоқ ўртасидан каноп тортилади. Каноплар қат'ий равишда параллель — ораси ҳамма ерда 45 сантиметр бўлиши шарт. Уялардаги букетлар шу хилда ростланганида квадратларнинг аниқ бўлиб тушиши та'мин этилади, меҳнат унуми ошади. Амалда ҳар гектар ердаги ғўзани букетлаш учун тўрт одам кунидан ортиқ меҳнат сарф этилмаслиги ма'лум бўлаётир.

Ба'зи колхозларда квадрат-уяларини қўл блан ростлашда 45 сантиметрли ўлчов таёқчаларидан фойдаланмоқдалар. Бунда колхозчилар кўндаланг қаторлар бўйлаб юриб уялар орасини ўлчов таёқ блан тўғрилаб, сўнгра букетни ростлайдилар. Бу усулда ҳам уяларнинг ораси бир текис бўлиши блан кўндаланг қаторлар параллель бўлиб чиқади.

Ба'зи колхозларда квадрат-уялаб чигит экиш пайтида сеялканинг қатордан силжиши натижасида уялар тўғри чизиқ ҳосил қилмаган. Айрим участкаларда уялар кўндаланг қаторларга шундай нотўғри жойлашганки, натижада бу кўндаланг қаторлар орасини трактор блан эмас, балки от культиватори блангина ишлашга тўғри келади. Кўп ҳолларда бу масала узил-кесил ҳал этилмай, ғўзанинг дастлабки парвариши кечиктирилмоқда. МТСларнинг ходимлари колхоз правлениелари блан бригаликда от ёки трактор культиваторида ишланадиган далаларни тезда аниқлашлари лозим.

Колхоз ва МТСларда ғўзанинг ривожланишини тезлатиш соҳасида йўл қўйилаётган катта камчиликларнинг бири, ғўзани дастлабки озиқлантиришнинг кечикиши бўлмоқда. Барча колхозларда ғўзани биринчи озиқлантириш 5 июньгача тугаланиши лозим. Лекин шунга қарамасдан бу ишга ҳозирча фақат айрим бригада ва колхозларгина киришган. Масалан, Бекобод районидаги Молотов номли колхозда ҳайдаш даврида ўгитланмаган далалардаги ғўзалар апрель ойининг охирларидаёқ суперфосфат блан озиқлантирилди. Боёвут районидаги Жданов номли колхознинг ўртоқ Маҳкамов бошлиқ бригада а'золари 100 тонна қўй қийи жамғариб, ғўзанинг биринчи культивацияси давридаёқ ҳар гектар ерга бир тоннадан қўй қийи солганлар.

Броқ ҳали кўпчилик колхозлар, ҳатто ғўзанинг биринчи парваришини тугаллай деб қолган колхозлар ҳам экинни озиқлантиришга киришмаганлар. Ғўзанинг ҳолатини ёмонлаштирмаслик учун ҳамма жойда уни озиқлантиришни кенг равишда бошлаб юбориш зарур.

Колхоз, МТС ва совхозларнинг шу кунлардаги асосий вазифаси—ғўзанинг ривожланишини тезлаштириш, уни 5—10 июньгача барча майдонларда ёппасига шоналатиб олишга эришишдан иборатдир.

Бунинг учун шу кунларда барча майдонларда ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини та'минлаш зарур. Квадрат-уялаб экишнинг барча афзалликларидан фойдаланиб, ғўза қатор ораларини иккитомонлама ишлашни та'мин этиш учун уялардаги ўсимликларни букетлаш тўғрисидаги топшириқлар сўзсиз бажарилсин. Бунинг учун МТСлардаги барча тракторлар, культиваторлар ва бошқа воситалар тўла сафарбар этилсин. Шундагина колхоз ва МТСларимиз ғўза парваришини тез ва сифатли қилиб ўтказадилар, ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни бартараф қилаоладилар.

Ғўза қатороралари дастлабки иккитомонлама ишлаш, букетларни ростлаш, қаторлаб ўстирилаётган ғўзаларни яганалаш, чопиқ, бегона ўтларни йўқотиш шу кунларда тугалланиши керак. Бунинг учун бутун меҳнат ресурсларини сафарбар этиш, меҳнатни тўғри уюштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, техника воситаларидан унумли фойдаланиш зарур. Шуни унутмаслик керакки, областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг бу йилги социалистик мажбуриятларининг муваффақият блан бажарилиши колхоз, совхоз ва МТСларимизнинг ҳозирги кунларда ғўзанинг дастлабки парваришини қанчалик намунали уюштираолишларига боғлиқдир.

Я. БЕРСУДСКИЙ,
Ю. ТРЕГУЛОВ.

Биринчи ишлов тугалланмоқда

Мирзачўл районидаги Каганович номли колхоз а'золари чигитни сифатли ишланган ерларга эккан эдилар. Ҳозир 592 гектар ерда ғўза текис униб чиқди. Қ. Мамадалиев, Ш. Усмонов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари ғўза парваришига колхозда биринчи бўлиб киришдилар. Дастлабки культивация ўтказилган участкаларда ғўзалар барқ уриб ўсмоқда.

Колхоз бўйича 80 процентдан ортиқроқ ер культивациядан чиқарилди. Культивация қилишда механизаторлардан Э.Нурмуҳамедов, А. Иброҳимов ўртоқлар кунлик нормани 2—3 ҳиссадан ошириб бажариб, колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Шунингдек, ғўзалар механизация ёрдами блан ягана қилинмоқда. Натижада меҳнат кучи анча кам сарфланиб, меҳнат унуми оширилди.

Колхоз а'золари бу йил гектаридан 25 центнердан ҳосил олиш учун ғайратларига-ғайрат қўшиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

А. МАМАСОЛИЕВ.

Мактабларда имтиҳонларнинг биринчи куни

Суратда: Тошкент шаҳар, Москва районидаги Чапаев номли 42-нчи ўрта мактабнинг 10-нчи «А» синф ўқучилари имтиҳонларнинг биринчи кунида адабиётдан иншо ёзмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Дастлабки натижалар

Соат 9 га яқинлашаётир. Шинамгина безатилган кенг ва ёруғ синфларда 42 қиз ўтиришти. Мактаб директори, имтиҳон комиссиясининг раиси Марҳамат Умархўжаева ўқучи қизларни имтиҳон бошланиши блан табриклайди.

Сўнгра, адабиёт ўқитучиси Ўртоқ Абдулла Суюмов иншо темаларини ўқиб берали ва доскага ёзади:

1. «М. Горькийнинг «Пэргиль кампир» ҳикоясининг ғоявий мазмуни ва бадиий хусусиятлари».

2. «Зайнаб ва Омон» поэмасида коммунистик ахлоқнинг ғалаба қозонишининг ифодаланиши».

3. «Ғ. Ғуломнинг Улуғ Ватан уруши даврдаги ижоди».

Оқ қоғозлар устида ручкалар енгил ҳаракат қилабошлайди. Ўқучи қизларнинг диққат-э'тибори ва ўйчан кўзлари бир нуқтага тўпланган. Уларнинг ўз ёзма ишларида фикр равонлиги, жумлаларнинг содда ва мазмундорлиги учун ҳаракат қилаётганликлари сезилиб турипти.

Ўқучи Муҳаббат Алимжонова отоқли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг Улуғ Ватан уруши даврдаги ижоди тўғрисида иншо ёзар экан, бу йилларда фан, сан'ат ва адабиёт ҳам немис-фашистларига қарши кураш қуролига айланганлигини равон жумлалар блан ифодалаб беради.

Васила Алимжонова ёзган иншода ҳам қуйидаги пишиқ жумлалар бор: «Ҳамавақт халқ ва Ватан блан ҳамнафас бўлиб келган шоир Улуғ Ватан урушигача бўлган бешйилликлар даврида ҳам мамлакатимизда юз берган буюк ўзгаришларни, халқимизнинг дўстлик ва қардошлик туйғуларини ҳаяжон блан куйлади».

Муҳаббат Аҳмедова, Мавжуда Назармуҳамедова, Ҳалима Ҳусанова, Зулфия Абдиева, Фарида Нурматова, Дилбар Тошкентбоева, Ра'но Акрамова каби а'лочи ўқучилар иншони биринчилар қаторида ёзиб тугатдилар ва имтиҳон комиссиясига топширдилар.

Мактабнинг рус группасидаги иккита X синфида ёзилган иншолар ҳам ўқучиларнинг адабиётдан яхши билим олганликларини ва мустақил фикр юритаолишларини кўрсатди. «В. В. Маяковский ижодида социалистик Ватан темаси» юзасидан ёзилган иншолар, айниқса чуқур мазмундорлиги блан ажралди.

Москва районидати 76-нчи мактаб (директори М. Умархўжаева, илмий бўлим мудирлари М. И. Мавашев ва М. Юсупова) коллективи имтиҳонларга яхши тайёргарлик блан келди. Буни биринчи кунги ўтказилган имтиҳон натижалари исботлади.

Мактаб коллективи бундан кейинги имтиҳонларни ҳам юксак савияда ўтказиш учун кураш олиб бориши лозим. Бунинг учун консультациялар ўз вақтида ўтказилиши, имтиҳонлар кўрсатилган вақтда бошланиши, ўқучиларнинг билимларига об'ектив баҳо қўйилиши керак. Шубҳа йўқки, мактаб коллективи имтиҳонларни уюшқоқлик блан ўтказади ва ўқув йилини муваффақиятли якунлашга эришади.

В. МАҲКАМОВ.

Биринчи кун

НИСКЕНТ («**Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Ўн йиллик билимнинг гувоҳномаси — етуклик аттестати олиш учун бўладиган имтиҳонга кириш учун қўнғироқ чалинди. Райондаги Ҳамза номли 1-нчи ўрта мактабнинг X синф ўқучилари имтиҳон ўтказиладиган кенг ва ёруғ хонага кириб, парталардан жой олдилар.

Мактаб директори Р. Акбаров имтиҳонлар бошланиши блан ўқучиларни табриклаб, уларга катта муваффақиятлар тилагандан сўнг, адабиёт ўқитучиси ўртоқ Ж. Исомов ўқучиларни ёзма иш темалари блан таништирди.

X синф ўқучилари ўзбек адабиётидан бўладиган имтиҳонга олдиндан пухта тайёргарлик кўрдилар. Шунинг учун ҳам улар бугун ўзларини тетик тутиб ўтиришпитилар.

Ҳарким ўзига ёққан темани танлаб олиб ёзишга киришди. Ўқучи Мамлакат Қурбонова «А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясининг ғоявий мазмуни ва бадиий хусусиятлари» темаси устида ўйлар экан, унинг кўз ўнгида Мирзачўлнинг беғоён ҳосилдор, лекин ҳали ўзлаштирилмаган ерлари, табиатни ўз иродасига бўйсундиришга отланган Ўзбекистон комсомоллари намоён бўлди. «Комедиянинг асосий темаси табиатнинг стихияли кучларига қарши мардона курашиб, меҳнат му'жизалари яратаётган совет кишиларининг коммунистик ахлоқ ва иродага эга эканлигини кўрсатишдир». Мамлакат шу тарика ўз фикрларини оқ қоғозга туширириб, отоқли ўзбек ёзучиси А. Қаҳҳор комедиясини кенг анализ қилди.

Ўқучилардан М. Қурбонова, Ш. Маматқулов, А. Габидуллиналар ўз ёзма ишларини биринчилар қаторида ёзиб тамомлаб, имтиҳон комиссиясига топширдилар. Қолган ўқучилар ҳам ёзма ишларини имтиҳонлар ўтказиш тўғрисидаги инструкцияда кўрсатилган вақтда ёзиб тамомладилар.

Райондаги 2 ва 18-нчи ўрта мактабларда ҳам биринчи имтиҳон куни ана шундай пухта тайёргарлик ва уюшқоқлик блан ўтди.

Имтиҳонлар уюшқоқлик блан бошланди

Қишлоқнинг асфальтланган кенг кўчасидан қўлларида даста-даста гул кўтарган хушчақчақ ўқучилар ўз қадрдон мактаблари томон бормоқдалар. Мана, мактабнинг кенг ҳовлиси бирин-кетин кириб келган ўқучилар блан гавжум.

Соат 8 ярим. Қўнғироқ чалиниши блан X синф ўқучилари ўз жойларига ўтиришлар. Улар имтиҳон бошланишини ҳаяжон ва сабрсизлик блан кутмоқдалар. Синфга адабиёт ўқитучиси А. Алимов блан имтиҳон комиссиясининг а'золари кириб келадилар. Имтиҳон бошланди. Доскага иншо темалари ёзиб қўйилди.

Бу синфдаги 10 ўқучининг ҳаммаси ҳам етуклик аттестати олиш учун имтиҳонга киритилган. Ўқучилар «М. Горькийнинг «Она» романида революцион ишчилар ҳаракатининг ифодаланиши», «Ўйғуннинг Улуғ Ватан уруши даврдаги ижоди» ва «А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясининг ғоявий мазмуни ва бадиий хусусиятлари» деган темаларда иншо ёзадилар.

Шу куни мактабнинг рус группасида ҳам «М. Горькийнинг «Она» романи социалистик реализмнинг классик асаридир», «Н. А. Некрасовнинг «Россияда ким яхши яшайди» поэмасида деҳқонлар ҳаёти» ва «В. В. Маяковскийнинг социалистик лирикаси» деган темаларда иншо ёзилди.

Оржоникидзе район, Қибрай қишлоқ советидаги Ленин номли 14-нчи ўрта мактабда биринчи имтиҳонлар уюшқоқлик блан бошланди.

Қишлоқ мактабида

Имтиҳонлар бошланадиган биринчи кун. Ҳаво очиқ, осмон мусаффо. Қишлоқ бўйлаб ярталабки ороомбахш шабада эсмоқда. Қалин дарахтзорлар орасидан кўркам мактаб биноси оқариб кўринади. Ёш мичуринчилар парвариш қилиб ўстирган ва эндигина ҳосилга кирган ҳархил мевали дарахт кўчатларининг сермаҳсул шохлари майин шабадада аста силкинади.

Имтиҳонларнинг бошланишига ҳали анча вақт бор. Ярталаб соат 7 лардаёқ мактаб ҳовлиси қарийб бирхил ёшдаги ўтил-қиз болалар блан тўлди. Уларнинг бир қисми гулзор атрофидаги скамейкаларда ўтириб хушчақчақ суҳбатлашмоқдалар ва бир-бирларига имтиҳондан муваффақиятли ўтишлари учун яхши тилак изҳор қилмоқдалар. Бир турқум ўқучилар эса спорт майдончасида турли ўйинлар блан шуғулланмоқдалар. Хуллас, ҳамманинг ҳаракати ва хушчақчақ кайфиятидан бугунги имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиш учун қат'ий ишонч сезилиб турипти.

Мактаб коридори яхшилаб безатилган. Деворларда имтиҳон жадвали, нафис ишланган деворий газета ва фото-газеталарнинг янги сонлари, имтиҳонлардан яхши ва а'ло баҳолар блан ўтишга ундовчи чақириқлар осилиқ.

Бугун мактабнинг иккита X синфида адабиётдан ёзма имтиҳонлар ўтказилади. Соат роса 8 яримда имтиҳонларнинг бошланганлигидан дарак беручи қўнғироқ чалинди. Синфларга имтиҳон комиссиясининг а'золари кириб келадилар. Ўқучилар уларни самимий ҳурмат блан қарши олдилар. Мактаб директори ўртоқ К. Ҳошимов ўқучиларни табриклаб ва уларга имтиҳонларда муваффақиятлар тилади.

Имтиҳонлар бошланди. Адабиёт ўқитучиси ўртоқ З. Мунавварова ёзма иш учун тавсия этилган иншо темаларини доскага ёзиб қўйди. Ўқучилар «М. Горькийнинг «Она» романида революцион ишчилар ҳаракатининг ифодаланиши», «А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясининг ғоявий мазмуни ва бадиий хусусиятлари» ва «Ўйғуннинг Улуғ Ватан уруши даврдаги ижоди» деган темалардан ўзлари танлаганларини ёзабошладилар. Ҳар иккала синф ўқучиларидан М. Каримов, О. Умарова, М. Мусаназарова, У. Собирова, А. Каримов, М. Йўлдошева, Р. Ҳасановлар иншони биринчи бўлиб тошширдилар. Уларнинг иншолари танланган темаларнинг ичил баён қилиниши, жумлаларнинг мазмундорлиги жиҳатидан анча юқори савияда ёзилган. Бу ўқучилар йил бўйи ҳамма фанлардан яхши ва а'ло баҳо олиб ўқиганлар, интизомда ҳам ҳамавақт бошқаларга намуна бўлиб келганлар. X «б» синф ўқучиси Абдулла Каримов ёзган иншо айниқса диққатга сазовордир. Унинг М. Горькийнинг «Она» романи ҳақидаги ёзма иши «Горький «Она» романида буюк сан'аткор сифатида Россиядаги революцион курашни бадиий равишда умумлаштиради» деган жумла блан бошланади. У, асарнинг идеявий мазмунини, образларнинг характеристикасини мазмундор, равон, пишиқ ишланган жумлалар блан ифодалаб берабилган.

Тошкент район, Ленин қишлоқ советидаги Пушкин номли 2-нчи ўрта мактабнинг X синфларида ўтказилган ёзма имтиҳонларнинг дастлабки натижалари адабиёт ўқитучиси ўртоқ Мунавварованинг ўқучиларга чуқур ва мустаҳкам билим берганлигини ҳамда унинг ўз иши натижалари учун юксак жавобгарлик ҳис этганлигини кўрсатди.

Мактаб коллективи имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўрган, ўқучиларнинг ҳаммасини имтиҳон бошланадиган куни уюшқоқлик блан келишини та'минлаган. Имтиҳонларга тайёргарлик даврида ўтилган темаларни такроллаш ишчилик блан олиб борилди. Ўқучилар блан системали равишда консультация машғулотлари ўтказилди, айрим ўқитиролмовчи ўқучиларнинг билимидаги заиф томонлари пухта ўрганилиб, улар блан якка тартибда шуғулланилди. Шунингдек, ўқучиларнинг ота-оналари блан мактаб коллективи ўртасидаги ҳамкорлик янада кучайтирилиб, улар ўртасида имтиҳонларни ўтказиш ҳақидаги инструкция кенг ишлаб чиқилди.

Имтиҳон бошланган биринчи куни эрталаб колхоз правленеси ва партия ташкилотининг ёрдамида ўқучилар учун эрталик уюштирилди. Биринчи кунги имтиҳонларга 2 та X синфдаги 40 ўқучининг ҳаммаси қатнашди.

Мактаб коллективи имтиҳонларнинг биринчи кунида эришилган дастлабки муваффақиятларни мустаҳкамлаб, ўқув йилини яхши кўрсаткичлар блан якунлашга эришмоғи керак.

Ш. АСҚАР.

Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлиси Варшава шартномасини ма'қуллади

БУДАПЕШТ, 25 май. (ТАСС). Бугун Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессия кун тартибида дўстлик, ҳамкорлиж ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақидаги Варшава Шартномасини ратификация қилиш масаласи турар эди.

Европа давлатларининг тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан бўлиб ўтган Варшава кенгаши ҳақида Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Совети раиси, Варшава кенгашида қатнашган Венгрия делегациясининг бошлиги Андраш Хегедюш доклад қилди.

ВХР Министрлар Совети, деди Андраш Хегедюш, герман милитаризмини тиклаш тўғрисидаги Париж битимлари ратификация қилинганлигини назарга олиб, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақида Шартнома тузилганлигини, шунингдек бу шартномада қатнашган Европа мамлакатлари қуролли кучларининг Бирлашган қўмондонлиги тузилганлигини тўғри деб ҳисоблайди.

Варшава кенгашининг мақсади,—деди ўз сўзининг охирида докладчи,—Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашни кўзда тутади. Хегедюш Давлат мажлисига мурожаат қилиб, Варшава Шартномасини ратификация қилишни таклиф этди.

Музокараларда Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Матиас Ракоши ва депутатлардан ёзучи Петер Вереш, Венгрия касаба союзлари кенгашининг раиси Шандор Гашпар, католик епископи Миклош Берестоци, кооперация Умумвенгрия союзи Марказий кенгашининг раиси Имре Дэгеи, инжил-реформат черковининг епископи Янош Петер, Умумвенгрия тинчлик кенгаши президиумининг раиси академик Эржебет Андич, «Мэньяр немзет» газетасининг бош редактори Дьердь Нарраги қатнашдилар. Музокаралардан кейин Давлат мажлиси сессияси Варшава кенгашида қатнашган мамлакатлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақида тузилган Шартномани бир овоздан ратификация қилди. Депутатлар бу қарорни гулдурос, давомли қарсаклар блан табрикладилар.

Тибет озод қилинганига тўрт йил тўлганлигининг байрам қилиниши

ПЕКИН, 25 май. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: 23 майда Лхасада, Шигацзеда ва Тибетнинг бошқа катта шаҳарларида Тибет озод қилинганига тўрт йил тўлганлигини нишонлаш юзасидан митинглар бўлиб ўтди.

Лхасада бўлган митингда маҳаллий ҳукуматнинг Калони (министр лавозимига тўғри келади. — Редакция эскартиши) Ндокар Фунцог Рабжи Тибет озод қилинган пайтдан буён ўтган вақт ичида унинг сиёсий ва иқтисодий соҳадаги муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб берди.

Маҳаллий ҳукуматнинг Калони вазифасини бажаручи Кадранг Лосангрдисин ва Канбу Панчен кенгаши (ички Тибетнинг олий ма'мурий органи) ҳузуридаги комитет бошлиғининг ўринбосари Делег Рабтан митингда нутқ сўзлаб, раис Мао Цзэ-дунгга тибет халқи тўғрисидаги гамхўрлиги учун ташаккур изҳор қилдилар.

Шигацзедаги митингда Канбу Панчен кенгаши ҳузуридаги комитетнинг бошлиғи Ишижуген бундай деди: «Биз бахтли янги Тибетни қуриш мақсадида бундан буён ҳам хитой ва тибет халқларининг бирлигини мустаҳкамлаймиз».

Даший монастирининг вакили Лхунбо, Хитой халқлари қардош оиласида дин эркинлиги ҳурмат қилинганлигини қайд қилиб ўтди.

Тибет озод қилинганига тўрт йил тўлганлигини нишонлаш юзасидан Чамдода (Секан вилояти) ҳам митинг бўлди.

Югослав ва совет ўқитучиларининг учрашуви

БЕЛГРАД, 26 май. (ТАСС). Битта касаба союзга бирлашган бошланғич ва ўрта мактаблар ходимлари касаба союзларининг таклифига биноан совет ўқитучилари делегацияси Югославияда икки ҳафта меҳмон бўлди. Делегация составида РСФСР бошланғич ва ўрта мактаблар касаба союзи МК раиси Гривков, Украина ССР бошланғич ва ўрта мактаблар ходимлари касаба союзи МК раиси Нечипорук, Москва шаҳридаги 56-нчи ўрта мактабнинг директори Окуньков ва Сталинград шаҳридаги 50-нчи ўрта мактабнинг ўқитучиси Федорова бор эди.

Совет ўқитучиларининг вакиллари Югославия бошланғич ва ўрта мактаблар ўқитучилари касаба союзларининг Опатия шаҳрида бўлган с'езларида қатнашдилар, мамлакат бўйлаб саёҳат қилдилар. Улар Сплитда, Дубровникда, Сараевода ва Белградда бўлиб, тарихий ёдгорликлар блан, халқ маорифи ишлари блан таништилар, югославияли касбдошлари блан кўп марта учрашдилар ва суҳбатлашдилар.

Бу сафар югослав ва совет ўқитучиларига ҳар иккала мамлакатда мактаб ишининг ташкил қилиниши блан ўзаро таништишлари учун кўп нарса берди. Совет ўқитучилари вакилларининг с'езда сўзлаган нутқлари делегатларни гоят қизиқтирди. Совет ўқитучиларининг вакиллари ўз нутқларида Совет Иттифоқида халқ маорифининг қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида сўзлаб бердилар. Совет педагогларининг, совет кишилари Югославия халқини самимий ҳурмат қилади ва фашист йиртқичларга қарши курашдаги оғир синовлар кунларида совет ва югослав халқлари ҳамиша бирга бўлдилар, деган сўзларини делегатлар самимий кутиб олдилар.

Бу йил Совет Иттифоқига югослав ўқитучиларининг делегациясини юбориш тўғрисида с'езд делегатларига топширилган да'ватнома зўр қувонч блан кутиб олинди.

Совет делегатлари с'езддаги докладлардан ва сўзланган нутқлардан, ўқитучилар блан қилган суҳбатлардан Югославиядаги халқ маорифининг аҳволини билиб олдилар. Бу соҳада муайян муваффақиятлар бор. Мамлакатда саводсизликни тугатиш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, расмий ма'лумотлар шуни кўрсатадики, Босния ва Герцеговинада 1940 йилда бошланғич мактабларда 150 минг бола ўқиган бўлса, ҳозирги вақтда 260 мингдан кўпроқ бола ўқиб турипти. Босния ва Герцеговинадаги гимназия ва прогимназияларда 1940 йилда 19 минг киши ўқиган бўлса, ҳозирги вақтда 40 мингга яқин киши ўқийди. 1954 йилда Босния ва Герцеговинада 300 мактаб биноси қурилган ва 400 мактаб биноси капитал ремонтдан чиқарилган.

15 май куни — с'езд делегатлари учун қувончли кун бўлди. Ўша куни улар Белградда Югославия ва Совет Иттифоқи вакиллари иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш ва тинчликни мустаҳкамлаш мақсадида учрашажаклари ҳақидаги хушхабарни эшитдилар. Бу учрашув ҳақидаги хабар босилган газеталар киоскаларда пайдо бўлиши блан оқ бирнеча минут ичида сотилиб бўлди. Делегатлардан бири мажлис бошланишидан илгариёқ совет делегатлари ёнига келиб, бундай деди: Мен сизларга биз учун қувончли бўлган янгиликни айтишим керак, сизнинг ҳукумат делегациянгиз бизга келади. Бу — сизлар учун ҳам қувончли бўлса керак деб ўйлайман. Ахир, бизнинг халқларимизнинг дўстлиги — тинчлик гаровидир.

Кўпгина ўқитучилар — с'езд делегатлари — совет ўқитучиларининг қўлини қисиб кўришиш ва муҳим воқиа блан қутлаш учун уларгинг олдига келдилар.

Совет мамлакатига нисбатан бўлган бундай самимий ҳислар, Совет-Югославия дўстлигининг мустаҳкамланишини ва ривожланишини истаб билдирилган тилаклар совет ўқитучилари блан Югославия граждаплари ўртасидаги бевосита учрашувлар вақтида доимо яққол сезилиб турди.

Совет делегатлари «Пролетарка» пароходига тушиб Риекадан Салитга келган вақтда пассажирлар совет делегатлари ёнига келиб Совет Иттифоқидаги ҳаёт ҳақида жуда кўп саволлар бердилар. Сталинград ўқитучиси Федоровага айниқса кўп савол берилди. Кишилар шоли қаҳрамон шаҳар қандай ҳаёт кечираётганлиги ва қандай тикланаётганлиги, унинг граждаплари қандай меҳнат қилаётганликлари блан қизиқдилар. Бир кекса ўқитучи Федоровага бундай деди: Сталинград тўғрисида жуда кўп савол берганлигимиз учун таажжубланмангиз. Ахир, фашист йиртқичлар бизнинг мамлакатимизни ҳам вайрон қилдилар, бизнинг кишиларимизни ҳам ўлдирдилар. Биз кураш ва дўстликнинг қадрини биламиз. Фашистларга қарши олиб борилган жангларда кўпгина югославияли ватанпарварлар қаҳрамонларча курашиб жонларини фидо қилдилар. Биз, деди у, серб сўзларини рус сўзлари блан аралаштириб, рус халқини жуда севамиз.

Бу қисқа учрашувлар совет ва югослав халқларининг дўстлиги чуқур илдиз ёйганлигини яққол кўрсатди.

Нго Дин Дьемнинг найранглари

НЬЮ-ЙОРК, 25 май. (ТАСС). Матбуот хабарларидан ма'лум бўлишича, Жанубий Вьетнам бош министри Нго Дин Дьем уч ғарбий давлат ҳукуматларига Жанубий Вьетнамда юз берган аҳволни муҳокама қилмоқ учун Сайгонда Нго Дин Дьем блан музокаралар бошлашни таклиф этган.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Лондондаги мухбири берган хабарга қараганда, Англия бу таклиф этилган музокараларда қатнашишга рози бўлган. Лондондаги хабардор доираларнинг айтишига кўра, Франция ва АҚШ ҳам бу музокараларда қатнашишга тайёрдир.

ХАНОЙ, 25 май. (ТАСС). Вьетнам телеграф агентлиги хабар беради:

«Той мой» газетаси Нго Дин Дьемнинг Сайгонда тўрт давлат музокараларини ўтказиш ҳақидаги таклифини шархлаб, буни Ҳинди-Ҳитойдан Францияни қисиб чиқаришни ва унинг ўрнини АҚШга беришни мақсад қилиб қўйган найранг деб атамоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг БМТ Устави имзоланган кунга ўн йил тўлиши муносабати блан бўладиган юбилей сессиясида Белоруссия ССРнинг қатнашувига доир

МИНСК, 25 май. (ТАСС). Яқинда Белоруссия ССР Ташқи ишлар министри К. В. Киселев БМТ Устави имзоланган кунга ўн йил тўлиши муносабати блан БМТ а'золарининг бўладиган юбилей мажлислари тўғрисида БМТ бош секретарининг 1955 йил 22 мартда ёзган мактубига жавоб юборди.

Жавобда айтилишича, Белоруссия ССР Бирлашган Миллатлар Ташкилоти а'золарининг Сан-Франциско шаҳрида бўладиган юбилей мажлисларида қатнашади.

Руминия блан Норвегия ўртасида савдо муносабатлари

БУХАРЕСТ, 25 май. (ТАСС). Руминия ва Норвегия ҳукумат делегациялари ўртасида шу йил 16 — 23 май кунларида олиб борилган музокаралар натижасида, савдо ва тўловлар ҳақида икки мамлакат ўртасида амалда бўлган шартномани яна бир йилга— 1955 йил 1 июньдан 1956 йил 31 майгача чўзиш тўғрисида Бухарестда протокол имзоланди. Имзоланган протоколга мувофиқ, Руминия блан Норвегия ўртасидаги савдо ҳажми 1954 йилдагига нисбатан ҳар иккала томондан 35 процент ортади.

Руминия вискоза (сун'ий ипак) ва вискоза ипи, маргарин, балиқ, ферросплавлар, алюминий келтиради, Норвегияга эса тракторлар, саноат ускуналари, химикаллар, янги мева ва консерва қилинган мевалар, сабзавот, дон, нефть маҳсулотлари чиқаради.

ЛИСИНМАНЧИЛАРНИНГ ПРОВОКАЦИЯЛАРИ

КХДР ички ишлар министрининг баёноти

ПХЕНЬЯН, 25 май. (ТАСС). Бугун Корея Халқ-Демократик Республикаси ички ишлар министрининг баёноти э'лон қилинди. Баёнотда лисинманчи ма'мурларнинг Жанубий Кореяни оккупация қилиб турган америка қўшинлари ҳимояси остида КХДР чегараларида ҳамон игвогарликлар уюштираётганликлари айтилган.

20 ва 21 майда лисинманчиларнинг қуролли кемалари Люкто, Муто, Калто ва Хето ороллари районларида республика территориясига қуролли жосуслар юбориш, разведка ма'лумотлари тўплаш ва маҳаллий аҳолини ўлдириш мақсадида Шимолий Корея территориал сувларига бирнеча марта бостириб кирганлар.

Кейинги вақтда ички ишлар министрлигининг органлари Шимолий Корея территориал сувлари оққали Жанубий Кореядан КХДРга ўтган кўпгина жосусларни қамоққа олганлар.

ШАҲМАТ МУСОБАҚАСИ

СТАЛИНОБОД. (**Телеграф орқали олинди**). СССР XXIII шаҳмат биринчилиги учун бўлаётган Ўрта Осиё ва Қозоғистон зональ мусобақалари қизиб бормоқда.

Ўнинчи даврада бўлган ўйинда Сарваров Пойни, Муҳиддинов Вараксинни, Бирбрагер Алехинни ютди. Элбеков Уфимцевга ютқазиб, биринчи маглубиятга учради.

Ўнбиринчи даврада Муҳиддинов Сливинни, Элбеков Сарваровни, Бирбрагер Крутихинни ютди. Ўниккинчи даврада Элбеков Нурмамедов устидан, Бирбрагер Шершер устидан ғалаба қозонди. Сарваров — Уфимцевга ютқазди. Муҳиддинов блан Ханов ўртасидаги ўйин Муҳиддиновнинг қўли баланд ҳолда кечиктирилди.

Ўниккинчи даврадан кейин Уфимцев 10, Ханов, 8,5 (бир ўйини кечиктирилган), Шершер — 8, Муҳиддинов — 7,5 (бир ўйини кечиктирилган), Элбеков 7,5 очко блан олдинда бормоқдалар.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Михаил Андрианович Евсеенкони СССР Нефть саноати министри қилиб тайинлади, уни Нефть саноати корхоналари қуриш министри вазифасидан озод қилди.

Президиум Нефть саноати корхоналари қуриш министри қилиб ўртоқ Алексей Кирилович Кортуновни тайинлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/V да **Қутлуғ қон.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — М. Ф. Охундов номли Ленин орденли Озарбайжон давлат опера ва балет театрининг солисти, СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, профессор **Булбул Мамедовнинг хайрлашув гастрольлари** — 27, 29/V да **Кўр ўғли.** 5 пардали опера. Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда, 28/V да **Пиковая дама.**

«РОДИНА», «ИСКРА» (қишки, кеч соат 9 гача), «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» кино-театрларида — янги бадиий фильм **Ташвишли ёшлик.**

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Эрнст Тельман — ўз синфининг фарзанди.**

«ИСКРА» (қишки) — кеч соат 9 дан **Маринанинг тақдири.**

«НАВОИЙ» номли (қишки) — **Амирликнинг емирилиши.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 10 да **Содиқ дўстлар.**

«ВАТАН» «ИСКРА» (ёзги), «ХИВА», «УДАРНИК» кинотеатрларида — **Ташвишли ёшлик.**

НАВОИЙ номли (ёзги) — **Амирликнинг емирилиши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
ТЕЗ КУНДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
М. Аблеев асари
Шамсиқамар
4 парда, 5 кўринишли драма.
Татарчадан **А. Мухтор** таржимаси.
Саҳнага қўйоғ — Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. Турдиев**, Рассомлар — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **Х. Икромов Л. Конрад.**

Ҳамма давлат, колхоз-кооператив **ташкилотлари ва хусусий мол эгалари**
Тошкент шаҳри бозорларида
Ҳархил мол
(от, сигир, чўчқа, парранда)
сотиш учун
молларнинг соғлиғи ва хўжаликда юқумли касалликларнинг йўқлиги ҳақида ветеринария гувоҳномаси ёки справкасини
КЎРСАТИШЛАРИ ЛОЗИМ.
Тошкент шаҳар ижроия комитети.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуш бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиш бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142.

Р. 04854. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистонв сурх» бирлашган нашриётнинг босмахонаси. Нашр. № — (1442).